

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси

АТАХАНОВ РАСУЛЖОН

**ИСЛОМ ДИНИДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТГА
МУНОСАБАТ**

**5141500 Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Иш раҳбари: тарих фанлари
номзоди, доц Ў.Убайдуллаев**

Андижон - 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3-8
1. Иймон-шахс маънавий фазилатининг асосий белгиси.....	9-18
2. Инсон иймонлилигининг мезонлар.....	19-26
3. Қурони Карим ва Ҳадиси шарифларда инсон маънавияти масалалари.....	27-48
4. Тасаввуф таълимотининг маънавий ғоявий мазмуни.....	49-58
ХУЛОСА.....	59-61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	62-63

Кириш.

Президентимиз кўплаб асарларида маънавий меросимизни қайта тиклаш ғоясини ижодий ривожлантирди ва унинг миллатимиз маънавий тараққиёти учун асосий йўналиш бўлишини асослаб беради. Шу ўринда муқаддас динимиз Ислом динида маънавият ва маърифатга муносабатни ҳеч қандай ўлчов билан баҳолаб бўлмаслигини эътироф этиб келган.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратади. Жумладан, *„Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатида ётдир“*.

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини ёшларга онги ва қалбига сингдиришдек тарбиявий ишимизнинг диққат марказида Ислом динидаги маънавият ва маърифат масалаларидан кенг фойдаланиш зарур бўлади.

Мавзунинг долзарблиги. Дин маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида асрлар давомида халқлар учун нафақат диний таълимот, эътиқод вазифасини ўтаган, балки турмуш тарзига айланиб, ўзининг муайян қадриятларини кишилар онги ва шуурига сингдириб келган ўзига хос дунёқараш ҳамдир.

Дин — эзгулик манбаи. У инсон, жамият, табиат ва бутун борликни яратган, инсоният учун бирдан бир тўғри, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган илоҳий қудратга ишонишни бир бутун тизимга айлантирган таълимотдир. Бу таълимотнинг қадриятлари мазмунини, эзгулик ва покликка даъват этувчи ўғитларни кишилар дилига солади. Жумладин, ислом дини ва унинг қадриятлари инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Қуръон, ҳадис ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмончиликнинг ҳақ-ҳуқуқлари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон, виждон, муайян дунёқараш шаклланади. Бунинг учун ҳар бир мусулмон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши керак деган даъват ислом таълимотида ва унга асосланган ислом маънавиятида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, инсон ва жамиятнинг покланишида диний эътиқод, исломий қадриятларнинг ўрни алоҳидадир.

“Биз, — дейди И. А. Каримов, — мусулмончиликнинг улуг маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо ҳазинани чуқурроқ идрок қила

боргани сайин халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради”¹.

Ҳақиқатан ҳам, ислом дини минг йиллар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг асоси вазифасини ўтаб келди. Ўзбек халқи маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг жуда катта қисмини, яъни „бебаҳо хазинанинг“ исломий маънавият ва маърифат, *ислом манбалари*: Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат аҳкомлари ва бошқа диний ҳамда дунёвий китоблар ташкил этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекситон мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган фуқароларнинг иймони мустақиллик ишига фидойилик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, байналминалчилик, порлоқ келажакка ишонч, давлатимиз рамзларига садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ўзида тарбиялаш, ишбилармонлик, тadbиркорлик сингари янги ахлоқий қадриятларни ўзида намоён этишидан иборат.

Иймонли одам комил инсон бўлади. Иймон комил инсонликни ифодаловчи барча маънавий фазилатларни ўз ичига олади.

Замондошимиз бўлмиш одамларни, Сиз каби ёшларни иймонли сифатида қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: эътиқодли, ўзининг аниқ маслагига эга, ватанпарвар, инсонпарвар, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-хаёли, виждонли, андишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар соҳибидир.

Демак, инсонийликнинг муҳим шартлари – диёнатлилик, меҳр-шафқатлилик, поклик ва ҳалоллиликни иймон тушунчаси ўз ичига олади. Чунки, фақат иймон соҳиби бўлган инсондагина диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик бўлади. Иймонсиз кишилардан уни кутиш мумкин эмас. Ана шу ва бошқа фазилатлар бўлмагани учун ҳам баъзи одамларга нисбатан иймонсиз сўзини ишлатамиз.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад, ислом динидаги маънавий қадриятларни ўрганиш ва уларни ёш авлодга ўргатишдан иборат. Ишнинг вазифаси эса, глобаллашув ва дунё халқлари маданияти янги бир маданият, яъни оммавий маданият гирдобини остида қолаётган бир пайтда ёшларимизни муқаддас ислом динидаги маънавий маърифий тарбия воситалари билан воёга етказишда назарий асос бўлиб хисмат қилади.

Битирув малакавий ишнинг объекти ва предмети. Мазкур битирув малакавий ишининг объекти ислом дини ва динда маънавият ва маърифатга муносабат масалалари

¹ И.А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон 1996. -283б.

бўлиб, инсон маънавий камолотида диний қадриятларнинг аҳамияти тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда янги бунёд этилаётган фуқаролик жамиятида *интеллектуал, салоҳиятли, билимдон, меҳр-мурувватли* ёшларни мустақиллик шароитида қабул қилинган қонунларгатаяниб, адолат ва унинг мезонлари асосида, тарбиялашда ислом маънавиятида шаклланган адолат тушунчалари ва талаблари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

“муқаддас динимиз маънавиятнинг таркибий” маънавиятни шакллантиришдаги асосий мезонларидан бири сифатида, ижтимоий тараққиётда, жамият тараққиётининг ички ва ташқи муносабатларида ўз ўрнига эга бўлган. Зеро, ислом маънавиятидаги мезони: *инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатлар ва динлараро тотувлик, халқпарварлик ҳамда меҳр-оқибат, мурувватлилик, ҳамжиҳатлилик, ахлоқ-одоб* каби фазилатларни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда бунёд этилаётган ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қуришда бошқа омиллар қатори муқаддас динимиз маънавияти ва исломий қадриятларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Амалий аҳамияти. Муқаддас динимиз, яъни ислом дини маънавиятининг таркибий қисми сифатидаги ўрни, мазмун-моҳияти, кўлами ниҳоятда каттадир. *Улар:*

Биринчидан, ислом дини минтақа халқлари маънавияти шаклланишида пойдевор вазифани ўтаган. Жаҳонга машҳур мутафаккир, аллома олимларимиз шу пойдеворга таяниб, олий даражали, бой илмий маънавий меросни яратганлар. Бу мерос нафақат бизнинг маънавиятимиз, балки бошқа Шарқ ва Ғарб давлатларининг ривожланишида ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шу билан бирга дин руҳий билим ва эътиқод бўлиши билан бир қаторда инсоннинг дунёқараши билан боғлиқ, фикрий мушоҳадасини мунтазам бойитиб боровчи таълимот ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда инсон, жамият, табиат ва бутун борликни ўрганишда фан ва дин бир-бирини тўлдиради. Яъни ақл ечолмаган масалаларни дин ёрдамида ҳал қилинади. Шу тариқа инсон онгида ҳам илмий, ҳам диний қарашлар ўз ифодасини топиб, унинг маънавиятини шакллантиради.

Иккинчидан, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда маънавий ҳаёт икки – дунёвийлик ва динийлик асосида ривожланиши керак. Шу нуқтаи назардан кўп қиррали фаолиятларни ўз ичига оловчи мураккаб ижтимоий жараён бўлмиш халқимиз маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши фақат диний таълимотлар билан чегараланиб қолмасдан, аксинча, дунёвий (фалсафий) билимлар уйғунлигида амалга ошади. Қуръони каримнинг бир неча сура ва оятларида ҳам одамларни илм олишга, илм

билан шуғуллнишга даъват этилган. Зеро, „Бу икки зоҳирӣй ва ботинӣй билимларни эгаллаган ва уларни бир-бирига боглай олгандагина, инсон чин ҳақиқатни англаб етади, бахтга, саодатга элтувчи йўлни билиб олади“.²

Илмий билимларсиз халқлар маънавиятини шакллантириш иложсиз эканлигини тушунган машҳур аждодларимиз, мутафаккир олимларимиз ислом маънавиятини янги билимлар бойитиб, тарихий жараёнда одамлар имон-эътиқодини, дунёқарашини шакллантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун миллий маънавиятимиз ҳамда исломий қадриятларимиз ахлоқ-одобни мазкур таъсирчан тарғибот воситасидан кенг фойдаланиш миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланишига, жамиятимиз аъзоларини замонамиз талаб қилаётган юксак маънавият руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Учинчидан, ислом маънавиятида шахс эркинлигига кенг имконият яратилган. Қуръони каримнинг Бақара сураси 256-оятида „Динда зўрлик йўқ“³ деб ёзиб қўйилган. Демак, дин ва унинг қадриятларини қабул қилиш ихтиёрий, мажбурий эмас, аммо ҳар бир онгли киши оламни, ундаги воқеа ва ҳодисаларни идрок эта олувчи одамнинг табиий эҳтиёжидир. Шундай эҳтиёжга эга бўлган инсон учун дин инсон маънавияти ва ахлоқини шакллантирувчи муҳим омилдир.

Тўртинчидан, ислом маънавияти мазмун-моҳияти жиҳатидан шахс ва жамиятга нисбатан байналмилаллик характериға эға. Унинг учун халқлар терисининг ранги, тили, ирки, жамиятда, ҳаётда тутган мавқеи, миллатининг аҳамияти йўқ, барчаси ягона Аллоҳнинг бандаси ҳисобланади. Ислום фалсафаси ва қадриятларида байналмилалликка оид фикрлар: *миллатлараро, динлараро тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам* кабилар ҳар бир мўмин-мусулмон маънавиятининг таркибий қисми ҳисобланган. Ислום фалсафасида инсонларнинг бир-бириға бўлган муносабатларида меҳр-окибатли бўлиш, шахс ва жамиятнинг ўзаро илиқ, ҳурматға сазовор муносабатларда бўлишиға чорлайдиган маънавий-ахлоқий фикрлар кенг ўрин олган. Улардан бирида шундай дейилади: „Бир-бирингизни орангизни бузманг, бир-бирингизни орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизға ҳасад қилманг“.⁴ Бундай миллий, ахлоқий фазилатлар ва исломий қадриятлар асрлар давомида халқимиз қалбидан ўрин олиб, улар

² О. Самариддинхон. ўғли, М. Хусан ўғли. Маърифатға бағишланган умр. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. - 96.

³ Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. — Тошкент: Ислום университети, 2007. 42-б.

⁴ А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафасов. Ҳадис илми сабоқлари. — Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. 22-б.

маънавиятининг шаклланишига хизмат қилган. Бу фазилатларнинг, айниқса, ҳозирги ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, ислом маънавиятининг яна бир муҳим жиҳатларидан бири мусулмон аҳлида ижтимоий адолат руҳини тарбиялаш бўлган. Қуръонда *адолат* сўзи 57 марта тилга олинган. Бунинг сабаби исломдан олдинги „жоҳилия“ даврида одамларга ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий соҳаларида жуда кўп адолатсизликлар ҳукм сурган. Шунинг учун ислом таълимоти ва маънавияти уни тинчлик ва адолатни севувчи, инсонларни ардоқловчи дин, деб қаралиб, *адолат* дейилганда фақат меъёру-ўлчов, тош-тарози тушунилмайди, балки адолат ва адолат мезонлари орқали исломий меҳр-мурувватлик, кишилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган *қадрият* деб қаралиб, бу тушунчага *ижтимоий моҳият* берилади.

Ишнинг тузилиши. Битирув малакавий иш тўртта режа, кириш, хулоса, фойдаланилган адабиётлардан иборат.

1. Иймон-шахс маънавий фазилатининг асосий белгиси

Мазкур масала ечими кўп қиррали. Қўйилган масалани ҳар ким ўз маънавий дунёси ўлчами билан ўлчаб, шунга яраша ҳатти-ҳаракат қилади. Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги- унинг иймони, диёнати, меҳр-оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқалар билан ўлчанади. Бу умумий тарзда инсонийлик тушунчаси билан ифодаланади. Инсонийлик эса фақат иймонли инсонлардагина бўлади. Бу ўринда ҳамма кишилар учун умумий тарзда тегишли бўлган масалалар устида баҳоли қудрат фикр юритамиз.

Ҳар биримиз иймон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб, тушуниб олсак, иймонни изоҳловчиси бўлган диёнат, виждонлилик, инсоф, меҳр-оқибат, саҳоват, адолатлилик, поклик ва ҳалоллик, камтарлик ва бошқа маънавийлик фазилатларининг ҳам моҳиятини билиб оламиз. Фақат иймонли кишиларгина поклик ва ҳалоллик, диёнат, эзгулик, меҳр-оқибат, саҳоват, мурувват йўлида бўладилар. Шунинг учун иймон тушунчасини, унинг моҳиятини кенг қамровли асосда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Иймон арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ишонч демакдир. У инсон руҳий оламининг ботиний томонини ташкил этади.

Иймон шахснинг ўз эътиқодига таянган ҳолда бошқаларнинг нияти, қилмиш-қидирмишига, ўзининг ишларига, ҳатоларига муносабат билдиришдир. Иймон ҳаётда тўғри йўл топишнинг мезони ҳисобланади.

Иймонли кишилар Аллоҳдан қўрқиш, бандадан уялиш нима эканлигини чуқур идрок этганлар. Аллоҳни бир, Пайғамбаримизни (саллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг элчиси деб билиш-иймоннинг бош белгиси ҳисобланади. Иймонли бўлган кишилар бутун ҳаётларида, ишларида, фаолиятларида, уйда, кўчада бировга, ўз оиласига муносабатларида ҳамиша тўғри ва ҳалол йўл тутишга интиладилар. Муомала ва муносабатларида ғараз бўлмайди, таъмадан ва харомдан ҳазар қиладилар. Ҳар ишларида фақат бу дунёни эмас, охиратни ҳам ўйлаб иш тутадилар. Барча амаллари ва ҳатти-ҳаракатларини шунга бўйсундиришга ҳаракат қиладилар.

Шариатда эса Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом (с.а.в.) Аллоҳ тарафидан келтирган барча хабарларга тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга иймон дейилади. Яъни Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифлар орқали Аллоҳ, жаннат, дўзах, қиёмат кабилар ҳақида берилган хабарларга ишонч иймондир. Иймоннинг диний ва дунёвий талқинлари мавжуд.

Маънавий-ахлоқий фазилат сифатида эса иймон фақат одамзотгагина хос руҳий ҳодиса жумласига киради. Инсон, одамзотдан ташқари ҳеч бир маҳлуқотда иймоннинг ўрни-таги ҳам йўқ. Бинобарин, одамзод жамики бошқа жонзотлардан бирон бир нарсага ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни иймон келтириши билан ажралиб туради. Иймон киши маънавиятининг, ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир. Иймондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғли ўткир, иродаси нақадар чўнг бўлмасин ва шулар туфайли ўзлигидан қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар қаторига ҳеч қачон киритилмаган, киритилмайди ҳам. Зеро, иймонсиз одам на Аллоҳдан қўрқади ва на бандаларидан уялади. У ўз нафсининг итоаткор қули бўлиб, ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайтмайди. Аллоҳ ҳаммамизни шундан асрасин. Бунинг учун иймон йўлини тутишимиз лозим.

Иймоннинг моҳияти азалдан олам ва одамзотнинг келиб чиқиши, одамнинг оламдаги ўрни қандай, инсон умрининг маъноси нимада, зоти башар нимага даъват этилган, у нималарга қодиру, нималарга ноқодир сингари муаммолар ташкил этиб келади.

Ҳамма динларда иймонга алоҳида эътибор берилади. Иймон барча динларнинг устуни саналади. Иймоннинг диний талқини ҳам инсон фаолиятини оқилона бошқариш, жамият ҳаётида тинчлик, адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик сингари фазилатларни шакллантиришга қаратилган. Чунончи, зардуштийлик иймони уч таянчга: ният-фикрнинг

софлигига, сўзнинг собитлигига, амалларнинг инсонийлигига суянади. Иймонли киши ўғрилиқ ва талончиликдан, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдан, бошқача айтганда, ўзлигига, яъни ўз иймонига хилоф, зид иш қилишдан ўзини тия биладиган комил инсондир. Иймонли одамга юқорида қайд этилган ҳодисаларни қилма, гуноҳ бўлади деб тарғиб қилишнинг ҳожати йўқ.

Бундан 1400 йил муқаддам Аллоҳнинг иродаси билан Муҳаммад алайҳиссалом фаолиятлари туфайли бунёдга келган ислом таълимотига кўра, исломий иймон моҳиятини Қуръони каримнинг қуйидаги сураси очиқ беради: “Чин кўнглим билан иймон келтирдим: Аллоҳи таолога ва унинг фаришталарига ва унинг китобларига ва унинг пайғамбарларига ҳам бу дунё йўқ бўлиб охират куни бўлмоғига ва қадарга, яъни яхши ва ёмон ишлар ҳар қайсиси Аллоҳи таолодан бўлмоғига ва ўлгандан сўнг қабрдан тирилиб ва буларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканига. Дилим билан гувоҳлик берурман, албатта Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқдир. Яна гувоҳлик бераман, албатта Муҳаммад Аллоҳи таолонинг бандаси ва барча бандаларига дин аҳкомларини ўргатмоқ учун юборилган пайғамбаридур”.

Қуръони каримда иймонли одамларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади. Улар мўмин, ройиш, ювош, итоаткор, қуруқ сўзлик (маҳмадоналик)дан қочувчи, покликка интилувчи, шартномаларига риоя этувчи, итоатга амал қилувчилардир.

Ҳозирги кунда ер юзида диний иймоннинг бир қанча турлари бўлиб, жаҳон аҳллари аро кенг тарқалгани тўрттадир: исломий иймон, буддавий иймон, иудаий иймон, исовий иймон.

Хусайн Воиз Кошифийнинг кўрсатишича, иймонга замин бўладиган асосий исломий жиҳатлар қуйидагилардир: 1.Оламни, инсонни яратувчи зот Аллоҳга ишониш; 2.Барча инсонларни Ҳақ йўлига даъват қилувчи пайғамбарларга ишониш; 3.Аллоҳнинг фаришталарига ишониш; 4.Пайғамбарларга юборилган муқаддас китобларга ишониш; 5.Қиёмат куни қайта тирилишга ишониш; 6.Охиратда бу дунёдаги яхши, ёмон ишларига жавоб бериш зарурлигига ишониш; 7.Тақдирга ишониш ва Аллоҳ насиб этган ризқ-рўзга, неъматларга, машаққатларга розилик билдириш.

Юқоридаги фикрларда исломий иймонлиликнинг мезонлари ўз ифодасини топган. Булар иймонлиликка асос бўладиган маънавий омиллар саналади. Диний иймон йўналишлари хилма-хил бўлган ҳолда мазмунан олий бир ибтидога ишонч руҳининг қалбда қарор топишидан келиб чиқиб дунёни англашдир. Яъни бу иймон турлари мазмун жиҳатдан фарқланса-да, аммо моҳиятан бирдир. У ҳам бўлса, бирон-бир нарса ва ғояни бениҳоя шарифу муқаддас, азиру мукаррам билиб, кундалиқ фаолият ва ҳуқ-атворда ана шу

эътиқоддан келиб чикиб, ҳатти-ҳаракат қилишдан иборатдир. Бинобарин, жамики иймон тури киши амалий фаолияти ва ҳуқ-атвори дастури сифатида намоён бўлади.

Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг кўрсатишича, иймон “...пайғамбарлар келтирган ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, аъзолари билан амал қилмоқликдан иборат... Аммо иймон билан жаннатга эришгунича банда рўпарасида қанчадан-қанча баланд, машаққатли доvonлар бор. Ушбу доvonлардан ошиб ўтмай Аллоҳ ваъда қилган жаннатга тушмоқ душвор. Ўша доvonларнинг энг аввали ва энг хатарлиси “Иймон тоғи”дир. Чунки, ҳар бир банда умри поёнига иймонни шайтон дастидан саломат етказа олурми ё йўқ, ҳамма гап ана шунда”⁵.

Иймон тоғи инсон қалбида. Бу тоғ инсоннинг фоний дунёда одамлар билан ҳалол, юксак ахлоқ, одоб негизида муомала қила билишлиги, муносабатда бўлиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, мавжуд шароитлар ва имкониятларга қўниқиши, улар ичида чора-тадбир билан йўл топа билишини ифодалайди. Умуман, иймонлилик инсон Аллоҳнинг номини дилига жо қилиб, муқаддас китобларда айtilган ахлоқий, ҳуқуқий қоидаларга, ҳаёт тажрибаси сабоқларига таяниб ҳаётда ўз ўрнини топа билиши, ҳалол меҳнат қилиб, бошқалар билан адолатли муносабатда бўла олишидир. Баҳовуддин Нақшбанднинг “Дилингда худонинг номи бўлсин, қўлинг иш билан банд бўлсин”, деган фикрларида иймоннинг диний ва дунёвий жиҳатлари уйғун ҳолда олинган.

Иймон тушунчасининг дунёвий ва диний моҳиятини англаб олиш учун комил муслмонлиқнинг шартлари тўғрисида айtilган қуйидаги фикрлар ҳамма учун ибратдир. Бу ўринда Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сўзлари диққатга сазовор: “Муслмони комил бўлишингиз, бир-бирларингизга муҳаббат қўйишингиз шарт. Ўртангизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошкора берингиз ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақланингиз, жаҳл тарашлагувчидир, яъни у сочи тарашламайди, балки дилни тарашлайди... Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшиликка бошлайди... Бир-бирингизга ака-ука бўлинглар, уч кундан ортиқ гина сақламанглар... Ҳар бир ширин сўзингиз ҳам бир садақадир... Бетобларни бориб кўриш ҳам Аллоҳнинг раҳматига эришишдир”⁶.

Булар инсон маънавий фаолиятига йўналиш, иймонига мазмун берадиган ҳукмлардир.

Ҳадисларда Ватанни севиш, ҳаёли бўлиш, камсуханлик ҳам иймонлиқнинг кўриниши сифатида тасвирланган. Ватанни севиш миллий, ижтимоий-сиёсий ҳодисадир.

⁵ Ғаззолий. “Охиратнома”. Бухоро, 1998, 8-бет.

⁶ Ҳусайн Воиз Кошифий. “Футувватнома”. Тошкент, 1994, 11-бет.

Машхур шоир Сўфи Оллоёр иймоннинг инсон амалиётига таъсирини қуйдаги мисраларда баён этган:

Амалнинг нафъи ҳам иймон биландир,

Қачон ёлғиз амал қилгон биландир.

Наъзу биллоҳ, имонсиз кишини

Қабул этмас худойим бир ишини⁷

Алишер Навоий ҳам иймон тушунчаси ҳаёлилик, вафо ва вафодорлик, саховатлилик каби ахлоқий қадриятлар билан боғлиқлигини қуйдаги мисраларда баён этган:

Уч қисм ила иймонга бино фаҳм афла,

Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла.

Иккинчисини доғи вафо фаҳм айла,

Учинчисини, билмасанг, саҳо фаҳм айла.⁸

Амир Темурнинг “Тузуқлар”ида ҳам иймон инсоннинг бошқа одамлар билан муносабатига маънавий асос бўладиган ахлоқий қадриятлар тизимига киритилади. Буюк соҳибқироннинг кўрсатишича, иймон одамга инсонийлик фазилатларини бағишловчи, уни бошқа жонли зотлардан фарқини белгиловчи маънавият бўлиб, унга бировларга хиёнат қилмаслик, элу- юрти, қариндош-уруғлари, ёру дўстлари ору номусини ерга урмаслик ва химоя қилишлик, ҳалоллик ва поклик каби маънавий фазилатларни киритган.

Иймон шахс маънавий-руҳий оламида қайси йўналишда қарор топмасин, унинг шарти асосан биттадир. Яъни иймонли одамнинг сўзи билан иши бир бўлади. Бундай инсон ҳар қандай шароитда ўз сўзи ва аҳдномасида туради. Агар шундай қилмаса, виждон азобида қолади ва ўзини-ўзи сира кечирмайди. Демак, виждон, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, инсоф-диёнат, саховат, мурувват, адолат, халқ, ватан ишқи билан яшаш фақат иймони бутун одамларгагина хос фазилатдир.

Диний иймон билан бирга инсон тажрибаси, билими туфайли юзага келган дунёвий иймон ҳам бор. Дунёвий иймон мазмунини олам ва одам ҳақидаги сўнгги икки ярим минг йил мобайнида кашф этилган илмий-фалсафий билимлар, меҳнат аҳлининг тўплаган ҳаёт тажрибаси, ижтимоий хотираси, турли-туман удумлар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар ва улар замиридаги билимлар ташкил этади. Дунёвий иймоннинг ўзаги одамийликдан иборат бўлиб, унинг таркибига кирадиган унсурлар, қирралар, жиҳатлар ғоят турли-тумандир. Одамийлик деганда халқимиз узоқ тарихи давомида турли

⁷ Сўфи Оллоёр. “Саботул ожизайи”. Тошкент, “Чўлпон”, 1991, 13-бет.

⁸ Солиев А. Навоий иймон биноти ҳақида. “Тулистон”, 1995, 2-сон.

синовлардан ўтиб сайкал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган маънавий-ахлоқий қадриятларни тушунсак бўлади. Одабийлик ғояси халқимизнинг бутун турмуш тарзига, урф-одатлари ҳамда анъаналарига, унинг мислсиз бой оғзаки ва ёзма ижодига, мумтоз адабиётимиз ва санъатимизга сингиб кетган бўлиб, ҳозирча чуқур ўрганилиб умумлаштирилгани йўқ.

Дунёвий иймон одамларни тўғри йўлдан боришга қаратилган маънавий қадриятлар тизимидир. Иймонли бўлишнинг моҳиятини ҳаё, андиша, ширин сўзлилиқ, ҳалоллик ва адолатлилиқ, ор-номуслилиқ, виждонлилиқ, вафодорлик, меҳнатсеварлик, саҳоватлилиқ, меҳр-муҳаббатлилиқ, ҳайр-эҳсонлилиқ каби ахлоқий қадриятлардан иборат эканини кўрамыз. Демак, иймон комил инсоннинг етук маънавий фазилатлари мажмуидир.

Иймонсизлик эса виждонсизлик, эътиқодсизлик, тубан йўлларга юриш, ахлоқ, одоб, инсонпарварлик қоида ва талабларига риоя қилмаслиқдир.

“Одам бўлиш осон, одабий бўлиш қийин”, “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Ўзингга раво кўрмагани бошқага ҳам раво кўрма”, “Ёмон ўз ғамида, яхши – эл ғамида” сингари ҳикматларда аجدодларимиз ардоқлаган инсонийлик қадриятларининг бир заррасигина акс этган, холос.

Диний ва дунёвий иймоннинг моҳиятида андак тафовут бўлса ҳам, уларнинг мазмуни ва шаклий тузилиши бир хил. Чунончи, диний иймонда ҳамма нарсани яратувчи зот Аллоҳга, дунёвий иймонда эса одабийликка, чин инсонийликка урғу берилади. Уларнинг ҳар иккови ҳам аслида кишини чинакам, бош ҳарфлар билан ёзилувчи ИНСОН бўлиб тарбия топишига қаратилган.

Иймонли одам бошқаларнинг дилига озор бермайди, балки одамлар қалбига нур, зиё улашади, уларни фақат яхши, эзгу амалларга ўргатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустамлакачилик ва қатағонлик, қарамлик ва тобеълик йиллари халқимизнинг минг йиллар авомида таркиб топган ҳам диний, ҳам дунёвий-ахлоқий иймонига қакшатқич зарба берилди. Олис мозийдан қувват олиб тобора равнақ топиб келаётган диний иймон назарий жиҳатдан коммунистик мафкуранинг ашаддий душмани дея эълон этилиб, амалий жиҳатдан аёвсиз таъқиб ва тазйиқ остига олинди, турли йўллар билан таҳқирланди. Иймонига содиқ бўлган минглаб диндорлар, аввало руҳонийлар жисмонан йўқ қилиб юборилди.

Дунёвий иймон эса машъум синфийлик мезонига солиниб сохталаштирилди, бузиб талқин этилди. Оқибат шунга олиб келдики, ҳатто энг яқин туғишганлар, яъни, ота-она, ака-ука, опа-сингиллар – ҳамма-ҳаммаси бир-бирига ашаддий душман қилиб қўйилди. 70 йил мобайнида кишиларимиз ҳам диний, ҳам дунёвий иймонига зид ғайриинсоний руҳда

тарбияланиб келди. Миллатимиз кишилари орасида ўз иймонига қарши замона зўравонларига ялтоқилик, хушомадгўйлик, чақимчилик, таъмагирлик, порахўрлик, фирромлик, хиёнаткорлик, риёкорлик, хуллас тил билан дилнинг, дил билан амалнинг бошқа-бошқалиги, иймонига зид сингари ахлоқий иллатлар болалаб кетди. Диний ва дунёвий иймон майиб-мажруҳ ҳолатга келтирилди.

Иймон кишилиқ ҳаётида шу қадар ҳал этувчи мавқега эгаки, усиз чин маънодаги инсон ҳам, ахлоқ ҳам, демакки жамият ҳам бўлмайди.

Иймонли бўлишга интилиш қийин ҳамда машаққатлидир. Иймонли одам барча қийинчилик ва маҳрумликларга онгли равишда бардош берган ҳолда ҳалол-поклик, инсоф-диёнатлилик, саҳийлик, эзгуликни улуғлаш ва ёвузликка қарши кураш, ватанпарварлик, халқпарварлик каби фазилатларни ўзида гавдалантиришга ҳаракат қилади ва шунга эришади. У маънавий бойлик ва гўзалликни моддий тўкин-сочинликка асло қурбон қилмайди. Одамлар учун яшаш, уларнинг дилини ўринсиз оғритмаслик, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаслик иймонли инсоннинг ҳаёт дастуридир.

Юқорида айтганимиздек, дунёвий иймонда кўпроқ инсон ахлоқидаги одамийликка урғу берилади. Кундалиқ ҳаётда иймон сўзи кенг қўлланилади. Бунда дунёвий иймон маъноси кўзда тутилади. Чунончи халқимизда айрим кишиларнинг ўта ахлоқсизлик ҳатти-ҳаракатига нисбатан “иймонсиз” деган ҳақоратомуз ибора ишлатилади. Бу ҳақорат замирида Аллоҳга ишонч-эътиқоди йўқ, худодан, диндан қайтган, худосиз маъноларидан ташқари виждонсиз, виждонфуруш, ярамас, разил, диёнатсиз каби дунёвий иймон мазмуни ҳам акс этган. Бу шундай оғир диний ва дунёвий ҳақоратки, ўтмишда шу ҳақоратга асоссиз дучор бўлган ориятли кишилик ҳақорат этувчи кимса устидан қозига шикоят қилишгача борган. Иймони йўқ кишилар эса маҳалла-кўйда, яқин кишилари орасида лаънатланган ҳисобланган, ундай кишилар билан муомала қилинмаган, охиروқибатда орияти дош беролмаса кўчиб кетишгача борилган...

Демак, иймон инсон ҳаёти ва фаолиятига асос бўладиган диний ва дунёвий маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимидир.

Иймонни фақатгина тарихий қадриятгина эмас, балки ҳозирги кунимизда ҳам инсон камолотига бевосита дахлдор бўлган маънавият деб қарашимиз лозим.

Ўзбекситон мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган фуқароларнинг иймони мустақиллик ишига фидойилик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, байналминалчилик, порлоқ келажакка ишонч, давлатимиз рамзларига садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини ўзида тарбиялаш, ишбилармонлик, тадбиркорлик сингари янги ахлоқий қадриятларни ўзида намоён этишидан иборат.

Иймонли одам комил инсон бўлади. Иймон комил инсонликни ифодаловчи барча маънавий фазилатларни ўз ичига олади.

Замондошимиз бўлмиш одамларни, Сиз каби ёшларни иймонли сифатида қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: эътиқодли, ўзининг аниқ маслагига эга, ватанпарвар, инсонпарвар, тақводор, ҳамиятли, ориятли, ор-номусли, шарм-хаёли, виждонли, андишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар соҳибидир.

Демак, инсонийликнинг муҳим шартлари – диёнатлилик, меҳр-шафқатлилик, поклик ва ҳалоллиликни иймон тушунчаси ўз ичига олади. Чунки, фақат иймон соҳиби бўлган инсондагина диёнат, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик бўлади. Иймонсиз кишилардан уни кутиш мумкин эмас. Ана шу ва бошқа фазилатлар бўлмагани учун ҳам баъзи одамларга нисбатан иймонсиз сўзини ишлатамиз.

2. Инсон иймонлилигининг мезонлари

Энди шахс маънавий фазилати иймонлиликнинг баъзи тушунчаларини изоҳлашга ўтамиз. Уларнинг мазмуни, моҳияти в амалий аҳамиятини чуқур англаб олмоқлик ва ўзимизнинг кундалик ҳатти-ҳаракатимизда амал қилмоқлик бизни ҳар дамда юксак инсонийликка, комилликка томон элтади, демакки иймонимиз мустаҳкамлана боради. Иймоннинг боши – тақво. Тақво – ҳар нотўғри ишга қўл уришда – Аллоҳдан қўрқиш, ёмон ишлардан сақланиш. Аллоҳдан қўрқувчи банда оилада, жамиятда ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, тўғри бўлади, порахўрлик қилмайди, қасамхўр бўлмайди, бировни алдамайди, ёлғон гапирмайди, кишиларға, ватанға хиёнат қилмайди ва бошқалар. Илоҳи ҳаммамизға ҳам тақводор бўлиш насиб этсин. Бу ўзимизға боғлиқ. Шарм-ҳаё ҳам иймонлилик белгиси саналади. Шарм – ҳар бир одамнинг ножўя, ёмон ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифларда айтилишича, одам энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ножўя, ёмон қилмиши, ҳатти-ҳаракати учун ўзидан уялган одам ўзғаға ҳам ножўя ҳатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм одам ўз ножўя ҳатти-ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади.

Ҳаё – бу ўзбекча уят демакдир. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганида, уятсиз иш қилганда ҳижолат чекмайдиган, одоб-ахлоқсиз киши тушунилади. Ҳаё эркак кишиға нисбатан аёлларда табиатан кўпроқ бўлади. Эркак киши бемалол айтадиган баъзи сўзларни, ҳатти-ҳаракатларни аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар, ҳаё уларға йўл бермайди. Ҳаёли бўлиш, бу фақат уятли сўзни айтмасликда эмас. У бундан ҳам кўра кенгроқ маъно ва мазмунға эға. Шарм-ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан сақлайди. Ўз ножўя ҳатти-ҳаракатидан уялиш ҳисси фақат одамларғагина хос хусусият. Фарзандларимизни шарм-ҳаёли қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, оила-маънавият кўрғони.⁹ У миллий тарбиямизнинг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Иймонли бўлишнинг белгиларидан бири ор-номус ҳисобланади. Ор қилиш одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсадан ҳижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Ор яна бирор нарсадан ҳазар қилишни ҳам билдиради.

Орият - ор-номусдан ташқари иззат ва нафс, кадр туйғусидир. Одатда ориятли одамлар ўзлари ва оилаларининг, туғишганларининг иззат-нафси, кадр-қимматини,

⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008, 56- бет.

хурматини юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва хурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди, туролмайди.

Номус – бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, ҳижолат тортиш туйғусини, оила ва аجدодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ифодалайди. Кўпинча, бирор кишини, унинг оила аъзоларини, аجدодларини ноҳақ ҳақоратласалару, у киши бунга бепарво, лоқайдларча турса, ундайларга қарата сенда ор-номус, орият борми ўзи, деб ҳитоб қилинади.

Бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз қадимдан ор-номусли, ориятли бўлиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, оналари ва фарзандларини бошқа босқинчилар томонидан топталишини ўзлари учун ор деб билганлар. Кўринадики, ор-номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари яширингандир.

Иймонли бўлишнинг яна бир белгиси одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир.

“Виждон поклиги ва бедорлиги, - деб таъкидлайди президент И.Каримов, - асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир”.¹⁰

Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-ҳаракатларга ҳеч қачон лоқайдларча четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни асло кечири олмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, бу йўлда жонини ҳам фидо қилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, одам бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?

Бундай эзгу мақсадларга эса инсон фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиши мумкин. Виждон – инсоннинг ўз фаолиятини, қилган ишлари ва белгилаган мақсадларини ички руҳий таҳлил эта олиш имкониятидир. Иймон – инсон қалбидаги виждон тарозисидир. Виждон асосида ҳар бир киши ўз қилмишларигагина эмас, балки бошқаларнинг фаолиятига, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий вазиятга баҳо беради.

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008й. 27 бет.

Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун аввало ўзи олдида, қолаверса, оила, жамият ва ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабга келади, уларга қаршилик билдиради; ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобига учрайди. Ўзини билган одамга виждон азобидан оғирроқ жазо йўқ. Шунинг учун халқимизда виждон азоби гўр азоби деган мақол ишлатиб келинади.

Виждон азоби – киши ўзи йўл қўйган хатоларни, жамиятда бўлаётган ноҳақликлар, адолатсизликларни билиб, кўриб, руҳий қийналиш ҳолатида бўлишидир. Виждон азоби жамиятдаги ёки шахс фаолиятидаги адолатсизликларни руҳан қабул қилмаслик, уларга нисбатан ички нафратни, салбий муносабатни ифодалашдир. Виждон азоби – шахснинг оғир ички руҳий кечинмаларидир.

Баъзи кишиларни виждонсиз деб атаймиз. Чунки, улар ҳар доим ўз фаолиятига, бўлаётган адолатсизликларга лоқайдларча муносабатда бўладилар, шахсий манфаатлари билан чекланадилар. Одатда виждонсиз кишилар ўз манфаати зарарига иш қилмайдилар. Улар ҳар бир масалага муносабатда шахсий манфаатдан келиб чиқиб ёндошадилар. Юксак маънавият эгаси бўлган иймонли кишиларгина ўз қилмишларини виждон мезонлари билан ўлчайдилар.

Меҳр-шафқатлилик ҳам иймон мезонларидан биридир. Юқоридаги каби меҳр-шафқат ҳам халқимизга хос хусусият саналади. Меҳр-шафқат одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, ғарибларга, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади. Бизнинг Мустақил Республикамиз раҳбарияти ота-боболаримиз удумини давом эттириб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар ва ёлғиз қариялар, шунингдек ногиронларга нисбатан юксак меҳр-шафқатлилик намунасини кўрсатаётир.

Ўзбекситон мустақилликка эришган кунларда, айниқса ёш авлодда поклик ва ҳалоллик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Инсоннинг инсонлиги унинг ҳалоллиги ва поклиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша ҳалол ва пок бўлишга даъват этиб келишган, уларга ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насиҳат қилишган. Бу мусулмон одами, хусусан ўзбек халқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда иймоннинг негизини ташкил этади. Поклик ва ҳалоллик эса иймоннинг асосий белгиларидан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз иймонли бўлиш мумкин эмас. Иймонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва

ҳалоллигига йўғрилганлигидир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳр- шафқат, орият, номус, шарм ва ҳаё бўлмайди.

Бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликти ташкил қилади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келмоқда.

Ҳалоллик ва поклик ҳаётда ўз нонини ҳалол меҳнати билан топадиган, ҳолис ва эзгу ишлар билан эл-юртга фойда етказадиган, тириклик мазмунини теран англаб, нафақат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий маънавий-ахлоқий қарашдир.

Шу билан бирга жамиятда бундай маънавий-ахлоқий қарашларга мутлақо қарама-қарши бўлган, поклик ва ҳалоллик измидан юрмайдиган кишилар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида бош қотирмасдан, бундай саволлар билан ўзини қийнамасдан, фақат нафс қайғуси ва ўтқинчи ҳою-ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи умр кечирадилар, ўзининг ота-она ва фарзанд, эл-юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдилар. Кўринадики, бу дунёда кимдир Раҳмон измида, яъни ҳалоллик ва поклик йўлида юрса, кимдир Шайтон измида, яъни Раҳмон измидан адашиб нопок йўлдан юради.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Ўз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди. Иккинчи томондан, бу дунёда енгил-елпи, ҳар-хил нопок йўлларга берилиб, инсоний бурчини унутиб, мол-дунёга интилиб яшаган одам, энг ачинарлиси шуки, ҳаётининг сўнггида армон ва надоматларга ботиб ўз умрини тугатади”.¹¹

Доно ҳалқимиз, ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди.

Ҳасад инсон руҳиятидаги салбий хусусият саналади. Одамзод ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир ички куйиниш, ичи қоралик оқибатида пайдо бўлади. Муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қораланади. Жумладан, муборак ҳодисаларда “Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб

¹¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008й. 24-бет.

ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади”, деб айтилгани бежиз эмас. Худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлар ҳасад сингари инсон иймонлилиги мезонларига зид ҳодисалар саналади. Инсон маънавий ҳаётига жиддий хавф соладиган яна бир иллат- сотқинликдир. Табиатида сотқинлик бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтирса, у ерда осойишталик йўқолади. Бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар юқорида зикр этилган салбий иллатлар, хусусан ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик, сотқинлик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўришимиз мумкин. Бундай кимсаларга жавоб шу, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришдир. Ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган инсон бундай салбий иллатларга чалинмайди. Юксак маънавийлик мезонлари ва фазилатлари уларга куч ва мадад бўлади.

Бағри кенг, ҳалол, пок, виждонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни халқимиз, аксинча, бошига кўтаради ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қиммат, ҳурмат-эътибор топади.

Кўринадикки, иймоннинг барча мезонлари асосида поклик ва ҳалоллик ётар экан. Мана шунинг учун ҳам бизнинг ота-боболаримиз поклик ва ҳалолликка алоҳида эътибор берганлар.

Ҳалол- бу инсонлар учун Аллоҳ томонидан руҳсат қилинган яхши, эзгу амаллар, ижобий ишлар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек пок ва тоза озиқ-овқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмуш ва оиладаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотик ва дўст-ёрлар орасидаги ҳалоллик, меҳнатга муносабатдаги ҳалоллик ва шу кабилардир. Юраги пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат бўлади. Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий насиҳат қилади: “Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржам тинчликдадир, бировга ёмонлигу хиёнат қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”.

Ҳаёт асосан оиладан бошланади. Ўзбек халқида “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақл бор. Демак, ота-она ҳалол ва пок бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол луқмадандир.

Хулоса шуки, ҳалоллик ва поклик иймонли бўлишнинг асосий шарти ва мезонидир. Инсондаги ҳалол ёки яхши хусусиятлар унинг иймонига, яъни ҳалоллиги ва поклигига

боғлиқ. Инсон иймонининг поклигига шайтон доим раҳна солиб, уни йўлдан адаштирмақчи, ношаръий йўлларга солмоқчи, ҳалоллик, поклик йўлидан урмоқчи бўлиб қалбида ғулғула уйғотади. Шунини яхши эсда сақлашимиз керакки, ҳалоллик ва поклик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина иймон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради ва охири оқибат инсон қалбини забт этишга интилади. Шунинг учун доимо иймон, поклик ва ҳалоллик йўлида хушёр туришимиз керак. Бу айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Юқорида шахс маънавий фазилатининг асосий мезон ва белгилари устида фикр юритдик. Уларнинг ҳар бирини инсон учун бир маънавий безак, деб билмоқ керак. Шу ўринда ҳар бир инсон учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа бир маънавийлик мезони устида тўхтаб ўтишни лозим топдик. Унингсиз инсон баркамол бўла олмайди. У ҳам бўлса, камтарликдир. Камтарлик одамни маънан гўзаллаштиради, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради.

Камтарлик – инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбида юмшоқлик, саҳоват, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-номус, орият бўлмаса, минг ҳаракат қилмасин, барибир одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

Ўзбек халқи урф-одатида, миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилар, фирибгарлар, мақтанчоқлар, манманлар кескин қораланади. Камтарга камол, манманга завол, деган ўғитлар беҳикмат эмас.

Тарихчи Хондамир “Макоримул-ахлоқ” китобида: “Бошингга такаббурлик ҳавосини келтирма, чунки такаббурлик билан ҳеч ким бирор жойга етган эмас. Гўзаллар зулфи каби шикастликни(камтарликни) одат қил, бу билан ҳар нафасда минглаб кўнгилни овлайсан” – деб кўрсатган эдилар.

Хуллас, ҳар биримизни иймон, поклик ва ҳалоллик, ор-номус, шарм-ҳаё, камтарлик, қўйингки инсонни маънавий жиҳатдан безовчи гўзал ҳулқ-одоб, ахлоқ тарк этмасин.

3. Қурони Карим ва Ҳадиси шарифларда инсон маънавияти масалалари

Ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий-ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи «Қуръон»дир. Исломнинг шаръий маъноси – бу Аллоҳга ягона деб эътиқод қилиш унга бўйсунуш ва бутун қалби билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллоҳ буюрган диний эътиқодга имон келтирмоқлик демакдир.

Аллоҳга итоат қилган ва Аллоҳ юборган пайғамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади. Илоҳиятда ислом дини имон, ислом ва эҳсондан иборат, деб эътироф этилади. Имон талабалари ва Аллоҳга эътиқод, фаришталарга, муқаддас китоб ва пайғамбарларга, охират кунига, тақдири азалга ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир. Мусулмон таълимотига кўра ҳар бир мусулмон 5 та асосий рукни бажариши керак:

- 1) «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммаду–р-расулуллоҳ» деб шаҳодатни бериш;
- 2) намоз ўқиш;
- 3) закот бериш;
- 4) рамазон ойида рўза тутиш;
- 5) имконига кўра ҳаж қилиш.

Ислом ақидалари, эътиқод ва талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари «Қуръон» ва унинг таърифларида, «Ҳадиси Шариф» ҳамда шариат қўлланмаларида ва илоҳиёт адабиётларида ифодаланган.

«Қуръон» - дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг китоби бўлиб, араб тилида «Қироат» маъносини англатади. «Қуръон» 114 сурадан иборат, «Қуръон» кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга. «Қуръоннинг ахлоқий қиммати шундаки, унинг инсоннинг маънавий камолга етишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз».

Мустақиллик туфайли дин ва диний урф-одатлар, анъаналар, маросимларга оид бўлган китобларни эркин чоп этила бошлаганлиги, сотувда бўлишидан кенг китобхонлар оммасининг баҳраманд бўлишидир. Учинчидан, радио, телевидение эшиттиришларида мунтазам суратда диний-ахлоқий мавзуларда турли суҳбатларнинг бериб борилиши. Мазкур мавзуни баён этишда юқоридаги ҳолатни ҳисобга олиш лозим бўлади. Гарчи талабалар кейинчалик диншунослик курсини тингласалар ҳам, мавзуни Исломни юзага келиши, қуръони Карим ва ҳадислар ҳақида қисқа маълумот беришдан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ислом дини кўп халқлар орасида кенг тарқалган динлардан биридир. Бу динга эътиқод этувчилар - мусулмонлар жаҳонда қарийиб 1 миллиард 400 миллион кишини ташкил этади.

«Ислом» сўзи арабча бўлиб «худога ўзини топшириш», «Итоат», «Бўйсунуш» маъносини беради. Шундан бу динга ишонувчилар -«Муслим» деб аталади. Унинг кўпчилик шакли «Муслимун» бўлиб, ўзбекларда «Мусулмон», қирғиз ва қозоқларда «Мусурмон» деб аталади.

Ислом дини Арабистон ярим оролида VI асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида келиб чиққан. Унинг асосчиси пайғамбар Муҳаммад (570-632) Маккада қурайш қабиласига мансуб бўлган Хошимийлар хонадонида туғилган. У 609-610 йилларда Маккада яқка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот бошлаган. Аммо зодагонларнинг қаршилигига учрагач, 622 йилда ўз тарафдорлари билан Мадина (Ясриб) га кўчади (арабча ҳижрат қилади). Шу йилдан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланади.

630-йилга келиб, Макка ҳам мусулмонлар қўлига ўтади ва мусулмон давлати шаклланади. Муҳаммад вафотидан кейин бу давлатни унинг ўринбосарлари, яъни ноиблари (халифалар) бошқарадилар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати тарихда «Араб халифалиги» деб ном олган. Дастлаб араб халифалиги катта территорияни эгаллаган эди. Ўрта Осиё ерлари - Мовароуннаҳр (дарё ортидаги ерлар) VIII аср бошларидан VIII аср ўрталаригача араблар томонидан истило қилиниб, улар билан бирга Ислом дини кириб келди. Ана шу даврдан бошлаб Марказий Осиёда Ислом минтақа маданияти, маънавияти ва маърифати ўзига хос равишда шаклланди ва тараққиёт босқичини бошдан кечирди.

Ислом диний таълимотининг асослари - Қуръон ва ҳадис тўпламларида, шунингдек, VIII-XII асрлар давомида вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган.

Қуръони Карим илоҳий китоб бўлиб, у фаришта Жаброил алайҳиссалом томонидан Муҳаммадга нозил этилган. Бу муқаддас китоб Ер юзи мусулмонларининг дастуруламали, диний аҳкомлар манбаидир. Қуръони Карим саҳифаларини бир китобга жамлаш халифа Абу Бакр даврида бошланиб халифа ҳазрати Усмон даврида якунланган ва тўрт нусхада кўчирилган. Ана шу кўчирилган дастлабки нусхалардан бири Мовароуннаҳр мусулмонлари диний идорасида сақлаб келинган, ҳозирда эса буюк бобокалонимиз номи билан боғлиқ Тошкентдаги Темурийлар даври музейида сақланмоқда. Бундай муқаддас китобнинг юртимизда бўлиши Оллоҳнинг бизнинг юртимизга бўлган инояти деб билмоқ лозим. Қуръони Каримда 114 сура, 6236 та оят бор. Мустақиллик шарофати билан турли

маросимларимиз Қуръони Карим кироатларидан бошланмоқда. Бу ўтмишда бир орзу эди, холос.

Илоҳиётда Ислом дини уч элементдан - иймон, Ислом, эҳсондан иборат деб эътироф этилган. Иймон талаблари 7та ақидани - оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, тақдирнинг илоҳийлигига ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш талабларини ўз ичига олади. Ислом талабларига, яъни дин асослари - аркон ад-дин деб ном олган 5 та амалий маросимчилик талаблари киради. Булар - калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконияти топилса Ҳаж қилиш талаблари. Эҳсон ақидаларга сидқидилдан ишониш ва маросимларни адо этишдир.

Исломнинг кишилар онги ва турмуш тарзига таъсир этиши, улар ҳаётидан мустаҳкам ўрин олишини таъминловчи диний маросимчилик -хатна, рўза ҳайити, қурбонлик ва қурбон ҳайити, мовлид, ашуро ва бошқалар ҳам шаклланган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан кинна солдириш, фол очириш, дам солдириш, муқаддас жойларга, авлиёларга сиғиниш каби одатлар ҳам ислом маросимларига мослашиб кетган.

Ҳадислар Ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба. Ҳадислар тўплами суннат деб аталади. Ҳадиси шарифларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган иш фаолиятлари ва саҳобалар томонидан амалга оширилган ишларга муносабатлари баён этирилган.

Ҳадиси шарифларни йиғиб китоб шаклига келтириш, асосан пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин амалга оширилган.

Бу шарафли иш ҳижратнинг учинчи асрига келиб кенг қулоч ёзди ва у ҳадисшуносликнинг олтин даври деб аталади. Ислом оламининг ўша даврдаги маданий марказларидан саналган Боғдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Самарқанд, Ургенч, Термиз каби шаҳарларда ҳадис илми билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган. Улар ичида энг ишончли манба саналганлари олтита бўлиб, буларни имом Бухорий, имом Муслим, имом Абу Давуд, имом Ат-Термизий, имом Ан-Насоий ва имом ибн Можжа тузишган. Бу буюк муҳаддисларнинг тўрт нафари туронзаминлик бўлгани бизнинг фахримиздир. 1998 йилда Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги бутун мусулмон дунёси, шу жумладан юртимизда кенг нишонланди. Мустақил Ўзбекистонда бу муносабат билан халқаро анжуман ўтказилди. Муҳаддислик шу қадар шарафли ва сермашаққат иш бўлганки у муҳаддисдан ақл-заковатни, куч-қувват, фидойилик, юксак иқтидор ва ҳофизани талаб қилади. Масалан, имом Бухорий жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «Саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларини ёд билганликлари айтилади.

Исломда ахлокий-хукукий қонун-қоидалар мажмуи шариат XI-XII асрларда тугал шаклланган. Шариат қонун-қоидалари Қуръон ва суннат асосида ишлаб чиқилган. Унда мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний, ҳуқуқий ва ахлоқий ҳаётини тартибга солувчи қонун-қоидалар белгилаб берилган. Бундай тартиб-қоидалар «Ҳидоят», «Виқоя», «Мухтасари ҳидоя», «Мухтасари виқоя» номли китобларда жамланган.

Шариатда қонунлар муқаддас ҳисобланиб, унга ҳар бир мўмин-мусулмон ижтимоий ҳолатидан қатъий назар Оллоҳнинг бандаси сифатида бирдай амал қилиши талаб этилган.

Юқорида Ислом, унинг муқаддас илоҳий китоби қуръони Карим, ҳадислар ва шариат ҳақида баъзи маълумотларни келтирдик. Энди умуман ислом динида, хусусан қуръони Карим, ҳадислар ва шариатда ахлоқ-одоб, маърифат ҳақидаги қарашларнинг баъзи жиҳатлари тўғрисида фикр юритамиз.

Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждон билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз. Айниқса ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига рухсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса аксинча, қилинишига рухсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, халқимиз ҳалол ва ҳаромни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар, қилинадиган ишлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунда жазосини албатта бериши айтилган.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримларга қуйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотикда фирромлик қилиш, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, майхурлик, ғийбат, тухмат, бўхтон, жосуслик, қотиллик, порахўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

Исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оилага садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл

уриш, инсофли-диёнати, виждонли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилиқ, ростгуйлик, софдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш ғоялари илгари сурилган.

Юқоридаги инсон маънавияти хусусиятлари каби масалаларни мазкур курснинг учинчи бобида алоҳида мавзуларда кўриб чиқиш назарда тутилгани сабабли улар ҳақида ушбу маъруза давомида батафсил тўхтаб ўтишни лозим топмадик. Ҳадисларда ахлоқий камолот масалаларида айтилган баъзи фикрлардан намуна келтириш билангина чекландик холос.

Мунофиқлик белгиси учтадир: Ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилишдир;

Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг;

Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг;

Қачонки бир гуноҳ қилиб қўйсангиз, уни ювиш учун орқасидан бир савобли иш қилинг.

Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман:

1. Нафсу ҳавога берилиб, йўлдан озишдан;

2. Нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан;

3. Илму маърифатга эга бўла туриб ғофилларнинг ишини тутишидан;

Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг:

Ўлимдан аввал тирикликни, бетобликдан аввал саломатликни, бандликдан аввал бўш вақтни, кексалиқдан аввал ёшлиқни, фақирликдан олдин бойликни.

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг эса отангга яхшилик қил.

Ота-оналарнинг кексалиқ вақтида ҳар иккисини, ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин.

Пора берувчи ҳам, уни оловчи ҳам дўзахга маҳкумдир. Ҳадиси муборакдан келтирилган ушбу мисраларнинг маънавий жиҳатларига изоҳ беришнинг ҳеч бир ҳожати йўқ.

Исломда илм-фанни эгаллаш, маърифатли бўлиш жуда катта савобли иш экани қайта-қайта таъкидланади. Бешиқдан то қабргача илм излаш лозимлигини қайд қилинишининг ўзи катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ҳадислардаги «Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўминларга ҳам ўргатишдир», «Илм ибодатдан афзалдир» каби фикрлар ҳам таҳлилга муҳтож эмас.

Қуръони каримда «Илм» сўзи асосида «Алима» - билмоқ феъл негизига таянган калималар 750 маротаба учраши илмий тадқиқотларда қайд этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга илк нозил бўлган оят ҳам «Икра...» «Ўқи» сўзидан бошланади.

Ушбу оят шундай: «Ўқи! Сенинг ўта қарамли Парвардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатади» деб нозил қилинган. Кўринадики, ислом эътиқоди аввал бошданок инсонни ўқиб-ўрганишга, илм воситаси билан дунёни англаб етишига тарғиб этади.

Ислом маънавиятида инсоннинг ер юзида халифа қилиб белгиланиши унинг яна бир муҳим жиҳати ҳисобланади. Қуръони қаримнинг жуда кўп оятларида инсоннинг азиз ва муқаррам қилиб яратилгани, унга ер ва осмондаги барча нарсалар бўйсундириб қўйилганлиги алоҳида уқтириб ўтилади.

Инсон Оллоҳнинг халифаси сифатида билим эгаси, ёруғ дунёнинг барча билимларига унинг идроки этади. Фақат кибрга берилиб кетмаса, ўзини ҳаммадан ортиқ қўя бошламаса бас. Парвардигор бизни инсон қилиб яратган экан, ақл-хуш, илму-амал берган экан, демак, биз инсон сифатида тафаккур қилиб, дунёвий илмларни - дунёни ўрганиб, дунё орқали Оллоҳнинг зотини, илмларини кашф этиб яшашимиз керак. Дин - руҳиятимиз тарбиячиси, илм-дунёни ва охирашни билиш курули, инсон унисини ҳам, бунисини ҳам эгалламоғи керак. Бизнинг боболаримизнинг йўли ана шундай бўлган. Бир мисол келтирамиз. Ривоят қилишларича, Абу Али Ибн Сино билан машҳур шайх Абусаид Абулхайр учрашибдилар. Улар бир кеча бир-бирларига ҳеч нарса демай «суҳбатлашиб» чиқибдилар. Эрталаб Шайхнинг шогирдлари ундан Ибн Сино ҳақида нима дейсиз, деб сўраганларида, Абусаид Абулхайр: «Мен нимаики важд (интуиция) билан билган бўлсам, у ақл билан билиб олган», дебди. Ибн Сино эса ўз шогирдларига: «Мен нимаики ақл билан билган бўлсам, у кўнгил билан идрок этади», деб айтган экан. Кўринадики, Ибн Сино дунёвий илмлар олими, Абусаид Абулхайр эса - тасаввуф шайхи, илоҳиёт олими. Аммо улар бир-бирини тушунган ва ҳар икки илм ҳам кераклигини англаганлар.

Ёки олайлик, Мирзо Улуғбек билан Хўжа Аҳрор Валийни. Улар замондош, бир шаҳарда яшаганлар. Улуғбек - мунажжим ва шоҳ, унинг шогирдлари аниқ фанлар вакиллари. Хўжа Аҳрор эса мўътабар дин арбоби, руҳоний зот. Аммо улар бир-бирларига ҳалақит берган эмаслар, аксинча, бири илмий маърифатни, иккинчиси бўлса руҳоний маърифатни ривожлантириб, бир-бирига кўмак берганлар.

Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Бухорий, Ғаззолий, Ҳамадоний, Ғиждувоний ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёт тарзи, илм учун фидойилиги, эътиқод-иймонининг поклиги билан бизларга ибратдир. Буларнинг ҳаммаси кўрсатадики, диндорлик ҳам маърифатни, юксак маънавиятни талаб қилади. Киши қанча чуқур илм эгаси бўлса, олам ва одам моҳиятини англаса, унинг Оллоҳни англаши, иймони ҳам шунча мустаҳкам бўлади.

Гап ҳоҳ диний, ҳоҳ дунёвий маърифатни тўғри ва чуқур англашда, ҳар икковини ҳам эгалламай нодон, жоҳил бўлиб қолмасликдадир.

Ҳар икки илмни эгаллаган киши икки дунёсини обод қилади.

Ислом бу фақат ақида эмас, аввало, маърифат, илмдир. Ислом тарихига назар ташласак, Муҳаммад пайғамбаримизгача бўлган давр арабларда «жоҳилия» даври деб аталади. «Жоҳилия» нодонлик даври дегани. Ислом ана шу нодонлик даври ўрнига кенг маънода маърифат, маданият вужудга келтирди, илм-фан, фалсафа, адабиёт ва санъатни ривожлантирди, ўзига хос маънавият ва маърифатни яратди. Бизнинг улуғ боболаримиз ислом маънавияти ва маърифати тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, калом илми, фикҳ, тасаввуф таълимотини ривожлантирдилар.

Яқин ўтмишнинг ёмон асоратларидан бири шуки, собиқ шўро тузумида дунёвий илм ва диний-фалсафий таълимот бир-бирига қарама-қарши қўйилди. Улар бир-бирини инкор этадиган ҳодисалар тарзида талқин этилди. Диний тафаккур дунёвий илм ривожига монелик кўрсатадиган чиркин бидъат сифатида қораланди.

Биз бугун бундай қарашларнинг тубдан зарарли ва тарихан асоссиз эканлигини очик айтишимиз мумкин. Дунёвий ва диний илм юқорида кўрсатганимиздек, ўтмиш асрларда доимо ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб келганлигини тарихнинг ўзи тасдиқлайди.

Мустақиллик туфайли фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилиш имконига эга бўлдик.

Қуръони Карим ва пайғамбаримиз ҳадисларининг энг муҳим ва салмоқли қисми кишиларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга қаратилганлигидир. Улардаги ота-онага, илмга муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, етимпарварлик, вафо ва садоқат, ҳалол лукмани шарафлаш, камтарлик, камсуқумлилик, самимият, ростгўйлик ва бошқа чин инсонийлик хислатларининг биринчи ўринга қўйилиши барча инсоният учун бебаҳо умуминсоний маънавий бойлик тизимини ташкил этади.

Жисмоний ва маънавий покликка интилиш ислом ахлоқининг, Расулulloҳ ҳадисларининг яна бир муҳим мавзу йўналишидир. Таҳорат, ғусл масалалари ташқи озодалик талаблари бўлса, ҳаромдан, ёлғон сўз, ғийбат, тухмат, зинокорлик, ўзга ҳақиқа хиёнат, ноҳақлик ва зулмга йўл қўймаслик, улардан қатъий сақланиш ички, маънавий покликка оид талаблардир. Буларнинг ҳаммаси қуръони Карим ҳамда Расулulloҳ ҳадисларида ва уларга асосланган шариатда жуда қатъий қилиб қўйилган.

Хуллас, ислом барча мўминларни тўғри йўлга чорловчи, инсонпарвар дин эканлигини англаб етишимиз зарур. Шундагина диндан маънавий ва маърифий тарбияда фойдаланиш заруратига тўғри ёндошамиз.

Ушбу масаланинг баёини, яқин ўтмишда, Шўролар замонида динга ва диний қадриятларга, диний китобларга, уламоларга бўлган салбий муносабатлардан бошлашни маслаҳат берамиз. Шунда талабалар мустақилликнинг бизга берган олий неъмат маънавий ва маърифий меросимизни қайтариб берганлиги эканини тушуниб етадилар. Яқин ўтмишда намоз ўқиш, диний маросимларни ўташ тақиқланган эди. Масжидлар, азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳларига кулф урилган эди. Одамларнинг уйларидаги Қуръон, Ҳадис, турли диний адабиётлар, ҳатто араб ёзувидаги бошқа китоблар териб олиниб, ёқиб юборилган эди. Мана бунини «жоҳилия», нодонлик деса бўлади. Қанчадан-қанча одамларимиз ҳозирги эмин-эркин кунларни қўмсаб, аммо кўролмай, армон билан ўтиб кетдилар. Шу боис биз мустақиллик келтирган неъматларга ҳар қанча шукроналик айтсак арзийди. Мустақиллик даврида исломий қадриятлар тикланди, иймон-эътиқодимиз ўзимизга қайтди. Бу савобли, эзгу ишларга қарвонбоши ҳурматли Президентимиз Ислам Каримов эканини ҳар дақиқада эслаб туришимиз лозим. Президентимиз маънавият ва маърифатга оид нутқ, маъруза ва асарларида исломнинг маънавий-ахлоқий, маърифий тарбиядаги юксак роли, ўрни, аҳамиятини мунтазам ўқитиб келмоқдалар.

Хусусан, бу масалаларга Президентимиз Ислам Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» тўплами, «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбе-кистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» каби асар ва рисоаларда жавоб топишимиз мумкин.

«Ислам дини, - деб таъкидлайди Ислам Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобида, - ҳаётимизнинг туб замирига чуқур сингиб кетган. Бу - инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Миллий қадриятларимизнинг замонлар оша безавол яшаб келишига сабаб - аввало муқаддас динимиз ҳисобидан»¹². Бу ҳолат халқимизга, хусусан ёшларимизга миллий ғояни сингдиришда Ислолм омилидан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда мустақил мамлакатимизда ислом дини омилидан, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги катта имкониятларидан фойдаланиш

¹² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 25-бет.

мақсадида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, масжидларга, азиз-авлиёлар ётган мақбараларга солинган қулфлар олиб ташланди. Қаровсиз қолган масжидлар таъмирланди, янгилари барпо этилди. Азиз-авлиёлар ётган, ўтмишда қаровсиз ҳолга келган жойлар ободонлаштирилди, зиёратчилар учун қулай шароитлар юзага келтирилди. Рамазон ва қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳар йили минглаб фуқароларимизнинг ҳаж ва умрага бориб келишлари учун имконият ва шароит яратиб берилди. Бу ўтмишда фақат ҳаёлий орзу ва армон эди. Улуғ алломалар - Исо Термизий, ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Замаҳшарий, Абдуҳолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Абу Мансур Матрудий, ал-Марғиноний ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари бўлиб ўтди, 1998 йилда эса Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Қуръони Карим, Ҳадислар ва бошқа диний китоблар нашр қилинди, қилинмоқда. Ўтмишда бирорта ҳам диний уламанинг юбилеи ўтказилмас эди, диний китобларни нашр этиш тақиқланган эди, юқорида айтганимиздек, борлари ҳам йўқ қилинган эди. 1999 йилда Тошкент Ислом Университети ташкил этилди. Мустақиллик йиллари ислом дини ва исломий қадриятларни тиклаш борасида асрларга тенг амалий ишлар бажарилди. Ислом ва исломий қадриятлар маънавий ва маърифий ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Биз ислом дини ота-боболаримиз дини экани, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз...Динга ҳурмат ва эътиқод - биз учун ўлмас қадриятдир»¹³.

Сўнгги йилларда бизнинг диёримизда ҳам тараққиётимиз, осойишталигимизни кўролмайдиган «ваҳобийлик» ва «ҳизбут-таҳрир» каби оқимларнинг гуруҳ ва тўдалари пайдо бўлиб қолди. Бундай тўдалар ўзларича масжидларда ғавғо кўтариб, ўтиш даврининг кийинчиликларидан фойдаланиб, айрим ёшларнинг онгини заҳарламоқдалар. Мустақилликнинг берган эркинлигини суиистеъмол қилмоқдалар. Бу мутаассиб диндорлар ўзларини «ваҳобий» ёки «динни тозаловчилар», «фундаменталистлар» деб юритиб, аслида эса биринчи навбатда исломнинг ўзига зарба бермоқдалар. Ваҳобийлар бир ярим минг йиллик илм-фан, маданият тарихидан воз кечиш, Имом Бухорий, Имом Ғаззолий, Имом Абу Ханифа, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Навоий, Жомий, Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа ўнлаб мутафаккирлар, сўфийлар, олимлар меросидан воз кечиш, уларнинг асарларини ёқиб юборишни, мақбараларини бузиб ташлашни тавсия қилмоқдалар. Улар, умуман, инсон ақли, инсон қалби билан

¹³ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон раёт - пировард мақсадимиз. Т., Ўзбекистон, 2000 й., 26-бет.

яратилган жамики маънавий бойликларни улоқтириб ташлашга даъват этмоқдалар. Ахир бу ваҳшийлик, нодонлик, жоҳилликнинг ўзику. Маънавиятли ва маърифатли киши, буни мутлақо қабул қилмайди.

Ваҳобийлик бизни орқага, жаҳолатга тортадиган, исломни, ислом аҳлини бузадиган хавфли оқим. «Динни тозалаш», «соф динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқотлар олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар қилиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўяётганлардан миллий қадриятларимизни авайлаб - асрашимиз лозим.

Диёримизда дин ниқоби остида иш кўраётган экстремистлар, ақидапарастлар мавжуд конституциявий тузумга қарши бориб, ҳокимиятни эгаллаш ва Ўзбекистонда Ислом давлати куриш, халқни кўрқувга солиб, ҳукуматга ишончсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар ва террористик ҳаракатлар содир этиш йўли билан эл тинчлигини бузишга уринмоқдалар. Уларнинг асл мақсади ҳукуматпарастлик, яъни давлатни қўлга олишдан иборат. Мустақил юртимизда уларга ўз вақтида зарба берилди ва уларнинг пайи қирқилди.

Халқимиз энди - эркинлигини қўлга киритган, ўзлигини ангалб етган бир замонда аллақандай кимсаларга эргашиб яна жаҳолат ва қуллик тузоғига қайтадими? Албатта йўқ. Аммо ҳамма гап ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришда, огоҳ ва сергак бўлишда. Айниқса ёшларимизни уларнинг зарарли таъсиридан асраб қолиш ҳозирги тарбия ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши лозим. Ёшларимиз доимо ва ҳар он огоҳ ва яна огоҳ, сергак бўлишлари замон талаби. Бунинг ёшларимиз онгига мустақиллик ғоясини чуқур сингдиришимиз лозим. Токи улар миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин. Ана шунда жоҳил ақидапарастнинг «даъвати» ҳам, ахлоқни рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ҳам уларга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Муҳтарам Президентимизнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида таъкидлаганларидек: «Биз ўз динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мураса қилолмаймиз. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон

фукароларимизни таҳқирлашига, жамиятимизга хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман»¹⁴.

Президентимиз айтганидек, ҳар биримиз ҳамиша, ҳар сонияда огоҳ бўлишимиз лозим. Бу мустақил юрт ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи бўлмоғи лозим. «.. муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз»¹⁵.

Юртимизда кейинги вақтларда рўй бераётган айрим салбий ҳодисалар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёзув ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда¹⁶.

Ҳар бир фуқаро шуни англаб етиши керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишида ҳам ўз йўли бор. Бу ўзига хосликни динга, диний қадриятларга муносабатимизда, улардан маънавий тарбияда фойдаланишимизда ҳам кўришимиз мумкин. Бу йўл Президентимиз асарларида баён қилиб берилган. Унинг моҳияти, мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ички-ботиний оламни поклаб, Оллоҳни дилда сақлаб, ақлу тафаккур, илму ирфон билан камолот сари бориш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам олға бориш.

Хулоса шуки, мустақиллик берган ҳидоят йўлини турли унсурлардан асраш, уларга берилмаслик лозим.

Исломда инсоннинг ақлий камолоти ва тафаккурини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Булар илм ва ҳақиқатни далиллар билан исботлашда: исломнинг аниқлик дини, унинг тақлид душмани эканлигида кўринади.

«Қуръон»да мусулмонларга далил-исботсиз нарсани қабул қилмаслик буюрилди, илм доимо аниқликни талаб этиши, ҳақиқий илмий нарсаларга таяниш кераклиги, гумонга эргашмаслик ҳақида таълим берилади. «Қуръон» инсонни ақл ишлатишга чақиради. Унда ақл инсонга берилган буюк неъмат деб таърифланади. Ақилни ишлатмасликнинг ёмон оқибатлари хусусида сўз юритилади. Исломда билим, ақл инсон камолотининг мезони ҳисобланиб, инсон кўриш, эшитиш, ақилни ишлатиш воситасида билиш қобилиятига эга бўлади, дейилади. «Қуръон»да дунёвий илмлар, тиббиёт, руҳшунослик, география, социология ҳамда диний илмларни ўрганиш тарғиб этилган.

«Қуръон»да ҳар бир мўмин-мусулмон бажариши зарур бўлган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, деб тушинтирилади. Чунки,

¹⁴ Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 6 март сони.

¹⁵ Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 26-бет.

¹⁶ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 9-бет.

Ислом динининг асосий мақсади ҳам ёмонликнинг олдини олиш, кишиларга ёмонликнинг хунук оқибатларини тушинтириш ҳамда уларни доимо тўғри йўлда юришга чақиришдан иборатдир.

«Қуръон»да саҳоват, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилик, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Унда эҳсон мазмуни кенг қамровда олинади. Унга муомала ҳам, инсон амалга оширадиган барча яхши ишлар ҳам киритилади. Эҳсон – инсоннинг табиий вазифаси бўлиши кераклиги талқин этилади. Ким бировга эҳсон қилса, унинг фойдаси ўша кимсанинг ўзига қайтиши, чунки бировга яхшилик қилган киши ўзида руҳий қаноат ҳис этиши, бошқалар томонидан ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиш таъкидланади.

«Қуръон Карим»да эҳсонга лойиқ биринчи навбатда ота-оналар критилади ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23-24- оятларида ота-онага яхшилик - Аллоҳ таолога ибодат қилишдан кейин иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она қандай инсон бўлишидан қатъи назар, фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаш, уларнинг сўзларини қайтармаслиги, ота-она ҳам болани дунёга келтириш билан бирга, фарзандга таълим-тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриши таъкидланади.

Мазкур оятлар энг олий инсоний муомала қоидалари сифатида қуйдагилар белгиланган:

- ота-она хатти-ҳаракатининг фарзандга малол келмаслиги
- ота-она билан гаплашганда уларга оғир ботадиган сўз айтмаслик
- ота-онага эҳтиром бажо келтириш
- ота-онага раҳм-шавқат қилиш
- уларни ҳаққига дуо қилиш.

«Қуръон»да фақат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига: қариндошлар, етимлар, камбағаллар, қўни-қўшниларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланади.

Шунингдек, сабр ҳам эҳсон билан бир қаторда саналади: «Худ» сураси 115-оятида «Эй Муҳаммад, машаққат ва озорларга сабр қилинг! Зотан Аллоҳ чиройли амал қилувчиларнинг ажр мукофотларини зое этмас», дейилади.

«Қуръон»да олий хислатлардан яна бири садоқат, деб таълим берилади. Ватанга, халқига садоқатига ҳам боғлиқ. Садоқат барча яхшиликларнинг дебочаси сифатида талқин этилади. Фақат садоқат орқали кишиларда бир-бирига ишонч пайдо бўлади. «Қуръон» инсонларни шунга ундайди. Шу билан биргаликда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам гап боради ва бу олий даражадаги инсоний

хислат бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади, дейилади. Бу тинчлик, осойишталик келтиради. Ижтимоий ҳаётда ҳар бир шахс ёки жамият кишиларнинг фаровон ва бахтли ҳаёти уларнинг тинч-тотув яшашига кўп жиҳатдан боғлиқ.

«Қуръон»да олижаноблик- яхшиликнинг ўзи учун эмас, бошқалар учун зарурлигини англаш, иташдир. Демак, олижаноблик руҳий ҳолат бўлиб, инсон камолотини кўрсатувчи ҳислатдир. Ширинсуханлик – тўғри сўз ва муомала маданияти риоя қилиш қонун-қоидалари келтирилади, ширинсуханлик инсоннинг муомала маданиятига эга эканлигини кўрсатади, обрўини ортиради, ҳурматга сазовар қилади. «Кишиларга чиройли сўзланг» дейилади.

Ислом саломга алик олиш хусусида «Қачонки, сизларга биров бирон ибора билан салом берса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки ўша иборани қайтаринглар» дейилади.

«Қуръон»да инсоннинг маънавий пок бўлиши, ҳавоий нафсдан сақланиши масалаларига ҳам эътибор берилган. Шу билан бир қаторда инсоннинг ахлоқий камлога етказишга зид хусусиятлар: манманлик, арокхўрлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган.

Манманлик -ўзини айбини тан олмаслик, такаббурлик саналади. Манманлик иллоти кишиларни сағлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан маҳрум этади. Натижада, жаҳолат иллоти пайдо бўлади.

«Қуръон»да ёлғончилик ва унинг турлари, зарарли оқибатлари ҳақида ҳам гапирилади. Ёлғончиликнинг энг хавфлиси хиёнат дейилади. Чунки хиёнат жамият учун ҳам, одамлар учун ҳам зарар келтириб, уни хароб этади. Ёлғончиликнинг яна бир тури ваъдага ваъфо қилмаслик деб кўрсатилади. Иродасиз, бировга яхшиликни раво кўрмайдиган, ишончсиз кишилар ваъдасига вафо қилмаслик баён этилади. «Ҳадисда ҳам ваъдага вафо қилмаслик мунофиқлик, дейилади, мунофиқлик белгиси 3 та: гапирса-ёлғон гапиради, ваъда берса-вафо қилмайди ва омонатга хиёнат қилади».

Исломнинг муқаддас китобида маънавий камолотга тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан бири ғазаб, ҳасад каби хислатлар қораланади, бекорчи гаплардан йироқ юриш, майда ва беҳуда гапларга вақт кетказмаслик, мол-дунёга ружу қўймаслик таъкидланади.

«Қуръон»дан кейин муқаддас ҳисобланган ҳадислар тўплами – Суннада ҳам ибратли фикрлар баён этилган. Жаноб Муҳаммад Пайғамбаримиз ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний, ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар эса Қуръондан кейин

ҳисобланади. Ҳадисларни тўплаш, айниқса VIII асрнинг 2-яримидан бошлаб ғоятда таракқий этиб, буи лм билан шуғилланиш даражасига етган. VIII-XI аср ўрталаригача ҳадис илмибилан Шарқнинг турли томонларида мингдан ортиқ муаллиф шуғулланган. Лекин Пайғамбар номларидан 14 мингга яқин ҳадис тўқилган. Шу боис улар қайта-қайта текширилиб, олимларнинг бетиним меҳнати натижасида асл ҳолига келтирилган. Ҳадис илмининг ривожига олтин давр ҳисобланган хижрий учинчи (мелодий тўққизинчи) аср катта босқич бўлади. Бутун мусулмон оламида энг нуфузли манбалар деб тан олинган 6 та ишончли ҳадислар тўплами (Ас-саҳий ас-Ситта) муаллифлари ҳам яшаб ижод қилганлар. 6 маҳаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий Осиё халқлари вакиллари бўлиб, улар:

- 1) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бурхоний 194 (810)-256 (870)
- 2) Имом муслим ибн Ал-Хажжож 206 (819)-261 (874)
- 3) Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824)-279 (892)
- 4) Имом Абу Довуд Сулаймон Сижитоний 202 (817)-275 (888)
- 5) Имом Аҳмад ан-Насоний 215 (880)-303 (915)
- 6) Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язида ибн Можжа 209 (824)- 273 (886)

каби муборак сиймолардир.

Ушбу муҳаддисларнинг ҳар бири ҳадис илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган беназир олимлардан ҳисобланиб, уларнинг табаррук номлари абадул-абад яшайди. Шу билан бирга ҳадис илмида «Амир ул-Мўминий», «Имом ал-Дунйа», «имом Ал-Муҳаддисий», («Барча муҳаддисларнинг номи») деган шарафли номларга сазовор бўлган Имом Ал-Бухорий ҳазратлари алоҳида эътиборга молик зотдир. 1998 йил 24 октябрда Ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги нишонланди. Самарқанднинг Челақ тумани Харсанг қишлоғида Имом ал-Бухорий мақбараси ва масжидини таъмирланди ҳамда бу ерда қадимий миллий меъморчилик анъаналари билан уйғунлашган замонавий иншоатлардан иборат муҳташам ёдгорлик қурилди.

Имом ал-Бухорий жуда ёшлигидан ҳадисларни йиғишга, тартиблашга катта ихлос қўйган, дунёнинг кўпгина мамлакатларига шу мақсадда бориб келган. Кўплаб олимлардан илми ҳадис бобида таълим олган, улардан ўзиб кетган. Имом ал-Бухорий хижрий ҳисобида 194 йил шаввол ойнинг 13 кунида (810 йил, 20 июл) Бухоро шаҳрида туғилган. Бошқа олимлардан фарқли, ал-бухорий туғилган сана кўрсатилишига саба шуки, унинг отаси Исмоил ўз даврининг илм-маърифатли кишиларидан эди. У ўғлининг туғилган кунини ёзиб кетган қоғоз замондош олимлар қўлига етган. Отаси Ал-Бухорийнинг ёшлигидан вафот этиб, у онаси тарбиясида ўсган. Болалигидан ақл-идрокли, ўткир зеҳинли ва маърифатга ҳаваси кучли бўлган, турли илм-фанларнинг айниқса,

Пайғамбаримиз ҳадисларини алоҳида эшитган ҳадисларини тўпламларини ёдлаган, устози Доҳилий билан ҳадис ривоятчилари ҳақидаги қизгин баҳсларда қатнашган.

Умуман Имом ал-Бухорий 40 га яқин китоб ёзган. Ҳозир манбаларда 23 таси аниқланган. Шулардан 2 таси «Саҳиҳ Бухорий» (4-китоб) ва «Ал-адаб-алмуфрад» китоблар нашр этилди. Имом ал-Бухорий илми-амалиёт жихатидан шоҳона, моддий-маънавий жихатдан эса фақирона ҳаёт кечирганлар. Боғдод ҳалифаси Маъмун Бухорийнинг 40 ёшга тўлган кунда саройда унинг елкасига зарин тўн ёпар экан, Бағдод Шайхул саройда Исломига назар ташлаганда, Шайхул Ислом бу ишорага жавобан:

Имом Бухорийга тенг бўлар ким бор,

Унинг чакмонига енг бўлар ким бор? – дейди.

1974 ва 1993 йилларда унга бағишлаб 2 анжуман ўтказилди. 1997 йилда «Имом ал-Бухорий» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Имом ал-Бухорий таваллуд кунлари 1998 йил сентябрда Самарқандда нишоланди: «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Шоир ва таржимон Олимжон Бўриев «Ўқитувчи» нашриётида Бухоронинг 2500 йиллиги, Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишлаб чоп этилган. «Муҳаммад Пайғамбар», «Ал-Бухорий» шеърий қиссалари, «Ҳадиси Шариф»ларнинг шеърий тўлқинидан тузилган «Маънавият гултожи» мажмуаси тарихий исломий манбалар асосида яратилган. Китоб 3 асардан: «Пайғамбар-муҳаддис-Ҳадис»лардан иборат. Қуёш, Ой, Юлдузлар каби бир бутунликни ўзида мужассам этиб, муштарийлар қалбини исломий нур ила мунаввар айлаб, китобхонларни ботинан чароғонлик дунёсига етаклайди. Хусусан, ёш толибул-илмларни пок ниятли, иймон-этиқодли, ватанпарвар, комил инсон бўлиш маънавий дурдоналарни қадирлашга даъват этади.

«Ҳадис», «Суннат» сўзлари бир маънода қўлланиб, улар пайғамбаримизнинг айтган сўзлари, феъл-атворлари ва ахлоқларини, яъни ҳаёт йўлларини англатади. Ҳадис илми билан шуғилланувчи кишилар муҳаддислар дейилади. Муҳаммад пайғамбар таълимотида ва фаолиятида илмга, илм ўргатишга жуда катта эътибор берилади.бу Қуръони Каримда ҳам ҳадисларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ҳадисларда илм поклик, ҳалоллик, кишиларни яхшилик сари бошловчи, қоронғуликда йўл кўрсатувчи машғал тариқасида талқин қилинади. Илм – бу ҳикмат, поклик рамзи, илмсизлик жоҳиллик, у билан шуғилланмаслик нопоклик дейилади. Илм, аввало эътиқоддир. Имон билан илм эгзак. Ҳар қандай илмли одам ўз билимига амал қилиши, ундан келиб чиқиб, кишиларга тўғри йўл кўрсатиши маслаҳат берилади.

Диннинг асосини имон, эътиқод ташкил этади. Шунинг учун ҳадисларда «Диннинг офати учтадир: 1) бемалол олим, 2) золим ҳоким, 3) билмасдан фатво айтувчи уламо дейилади. Шунинг учун илмниқадирловчи кишига ўргатиш гуноҳ деб қаралади». Ҳадисда: «Кимки умматларимга менинг суннатимга оид 40 ҳадисни ёдлаб етказса, қиёмат кунда мен уни шафоатимга лойиқ кишилар сифатига киргизаман», дейилади. Илм ўзлигини англаш, худони, динни билиш демакдир. «Кимки олимларга мақтаниш учун – дейилади Ҳадисларда, ёки нодон билан тортишиш ёхуд одамларнинг дилларини ўзига мойил қилиш учун илм олса дўзохга боради». Илм олиш олижаноб ва савоб иш. Ҳаттоки илм олиш ибодат, тақводан авзал, чунки илм диннинг асосини устунини ташкил этади. Илм ҳикмат, илм фазилат, илм диннинг ривожини, унинг тарқалишини таъминлайди. Илмни янгилаш энг аввало уни қуруқ ёдлаш, тақрорлаш билан эмас, садоқат, эътиқод қилишни тақозо этади. Илм, ҳикмат кишини турли нопок ишлардан асрайди, ҳаттоки, «Бир саот илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой - рўза тутгандан яхшироқдир» дейилади.

Илм кишиларга наф келтириши лозим. Олимлар бу йўлда раҳнома бўлиши керак. «Илм икки хилдир, бири қалбда бўлади – уни илми нофеъ (фойдали) дейилади, иккинчи тилда бўлади – у одам боласига юборган Оллоҳ таолонинг ҳужжати дир». Илм садоқатли бўлиши, кишиларга яхшиликни ўргатиш керак. Илм билимли киши учун фазилат бўлса, бу ҳолатни у бошқаларга сингдириш зарур. Ҳадисларда илмли киши меваги дарахтга ўхшатилади. Илм – бу маърифат, фазилат. Илмсиз мамлакатда фитналар кучаяди, қотилликлар авж олади.

Маълумки Ҳадисларда инсон олдидаги масъулият «савоб», «гуноҳ» тушунчалари орқали бошқарилади.

«Савоб» моҳиятини очиб берувчи умуминсоний қадриятлар: ота-она, кексаларга ҳурмат, илмли бўлиш, ҳамкорлик, дўстлик, инсонпарварлик, аёлларни эъзозлаш, саховат, ростгўйлик, иффат, динни эъзозлаш, диёнат, ҳимматлилик, раҳм-шавқат, эътиқод, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, хайр-эҳсон, тозалик, покизалик, билимдонлик, вазминлик, тадбиркорлик, ҳалоллик, ишонч, ҳиммат, бардошлилик, хушхулқилик, қаноат, мулоимлик, латифлик, тўғрилиқ, шукр, вафо, қадр, саҳийлик, садоқат, саботлилик, камтарлик, виқорлик, ҳалимлик, тавозе, ҳаё, тежамкорлик, сир сақлаш.

Аксинча, иймон талабларига зид ноахлоқий хусусиятлар кескин қораланади ва улар «гуноҳ» сифатида ҳукукий қонунлар билан қатъий манъ этилади. «Гуноҳ» ишларга қуйидагилар киради: ўғрилиқ, зино, ҳаёсизлик мунофиқлик (омонатга хиёнат қилиш), ёлғон сўзлаш, шартида турмаслик, кек сақлаш, нопоклик, риёкорлик, хусумат, ноҳақлик,

хасад, нодонлик, қотиллик, фитна, ёлғончилик, ғийбат, очкўзлик, таъмагирлик, исрофгарчилик, итоатсизлик, бидъат, хурофат, чақимчилик, кибр, гина-адоват, хиёнат, разиллик, бахиллик, зулм, мақтончоқлик, икки юзмачилик, таккабурлик, манманлик, мутакаббирлик, шуҳратпарастлик, шошқалоқлик.

4. Тасаввуф таълимотининг маънавий ғоявий мазмуни

Тасаввуф (суфийлик) – соф дегани исломдаги диний-фалсафий оқим. Тасаввуф таълимоти VIII асрларда исломда пайдо бўлган. Унда халқнинг ақли, таваккури, маънавий ҳаёти, ҳикматлари ўз ифодасини топган. Тасаввуф - Оллоҳ ва пайғамбарларни яхши кўриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Умуман тасаввуф бидъат, ғафлат, дунёпарастлик ва халқдаги парокандаликларга қарши бўлган буюк кишиларнинг маслағи асосида тузилгандир. Тасаввуфда инсонпарварлик, одамийлик, инсоф, саховат, муҳаббат, ҳақидаги ғоялар мужассамланган. Демак, тасаввуф аҳли пок ва гўзал бўлишга, ҳақ ва ҳақиқатни билишга интилан.

Суфийлик мусулмон Шарқ халқларининг кўп асрли маънавий ҳаётининг ғоявий асосини белгилаб берган таълимот бўлиб майдонга чиқди. У илоҳий поклик ва инсоний гўзалликни идрок этиш йўли, ҳақ ва ҳақиқатни ҳимоя этиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Сўфийликнинг ўзи 3 оқимга бўлинади:

1) Мансур Халлож Фахриддин Аттор, Жалоллидин Румийлар мансуб бўлган оқим. Уларнинг таълимотича худо ҳар жиҳатдан камолдир, энг олий гўзаллик, шодлик, бахт унинг васлидадир. Фоний бўлишдадир. Сўфийлар инсон маънавий камоллика эришиш йўлида 4 босқични ўтиш керак, деб ҳисоблайди:

Биринчи босқич – Шариат: диний маросимлар ва шариат ақидаларини, тавақларни айнан, изчил бажариш. Чунки шариат қонун бўлиб, бу қонун вужудни ва қалбни тарбиялайди.

Иккинчи босқич - Тариқат: нафсни тийиш, хушнудлик, хилват, маънавий муҳаббатни чуқирлаштириб, худо ҳақида ўйлаш, яъни тариқат – фано, ўздан кечиш, кўнгилни поклаб, руҳни нурлантирувчи фаолият шакли.

Учинчи босқич – Маърифат: ҳамма нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси худо эканлигини, ўзининг моҳияти билан бирлигини билаиш ва англаш. Бунда одам учун барча кибру ҳаво, манманлик, шон-шухрат, бемани бўлиб кўринади. Шунда у ориф, яъни билимли худони таниган бўлади.

Тўртинчи босқич - Ҳақиқат: бунда суфий худонинг даргоҳига эришади, васлига восил бўлади, у билан бирлашади, ваҳдат ташкил этади, шу билан инсон фоний, яъни «анал-ҳақ» бўла олади.

Сўфийликнинг 2-оқимиға мансуб бўлган суфийлар 1-оқим қарашларини қабул қилган, аммо ислом дини тартиб-қоидаларига мослаштирилган. Бу оқимнинг энг машҳур назариётчиси Зайниддин бинни Муҳаммад Имом ғаззолий (1058-1111), Аҳмад

Яссавийлардир. ғаззолий инсон камолига етиши, худо «васлига» етиши учун маълум шартларни бажариб ўтиши керак, дейди. Булар Қуръон ва Ҳадисдаги қоидалардир.

Суфийликнинг 3-оқими нақшбандия таълимоти билан боғлиқдир. Бу оқим XIII аср охирларида шаклланди. XIV-XV асрларда Марказий Осиё кенг ривожланди. Бу ўлкада яссавийлик билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши йирик мутафаккир ва донишманд Шайх ул- шуйк (шайхлар шайхи) Ҳазрати Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ.

Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) Ҳамадон (Эрон) яқинида Гузнжирд қишлоғида туғилган. У ғарибона ҳаёт кечириб, умри бўйи деҳқончилик ва қосибчилик билан тирикчилик ўтказган бўлишига қарамай Туркистон ва Хуросон халқининг маънавий-маданий ҳаётида катта роль ўйнаган. У ҳаётда хушфўл ва эътиборли инсон бўлган. У Аллоҳ васлига етмоқ учун саъй-ҳаракат қилади, ўз камолини оширади, бошқаларни ҳам шу йўлга даъват қилади ва бу соҳада кўп шогирдлар етиштирди. Унинг таълимотига кўра ўзининг фикр-зикрини Аллоҳ таолога бағишлаб бу йўлда поклик, тўғрилиқ ҳалоллик ўз қўл кучи, ҳалол меҳнати билан кун кечирган. Таниқли олим Ориф Усмоннинг таъкидлашича, Ҳамадонийнинг 700 дан ортиқ шогирдлари вали даражасига етишган. 8000 дан ортиқ будпарастлар ул зоти муבורак томонидан ислом динига Мушарраф бўлганлар:

Замахшарий (1076(467)- 1144 (538) – Буюк аллома Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Замахшарий Тошвуз вилояти Тахта туманида туғилган. Замахшарий «Ал-Фоиқ фи ғарибил-ҳадис» луғати муқаддимасида Қуръони Каримдан сўнг ҳадислар мусулмон жамиятида муҳим ўрин эгаллаши билан бирга, араб тилининг чиройли, мослиги ҳақида гапиради. Унинг «Асосул-балоғ» луғатида сўзларнинг кўп маъноли хусусияти қида гапиради. У ўз асарларида бадиий тасвир воситаларига қисқа, аниқ ва нозик изох беради. У бирон нарсани ўз номи билан атамаси, бу киноядир, дейди... Аз- Замахшарийдан жуда кўп илмий мерос қолган. Унинг тилшунослик, ислом тарихи ва фалсафаси, услуб ва нотиклик санъати, тафсиф, ҳадис ва бошқа фанлар бўйича ёзган 50 дан зиёд асарлари бор. У Қуръони Каримнинг тил жиҳатдан изохлаб, ҳар бир сўз маъносини араб грамматикаси асосида тушунтиради.

Ғиждувоний- Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (1108-1179)-Нақшбандия тариқатининг пойдеворига асос солган машойиҳ ҳисобланади. Шайх ул шуйк (Шайхлар шайхи) даражасигача кўтарилган. Тасаввуф таълимотида - Нақшбандия тариқатининг асосий қоидаларини ишлаб чиққан. У Марказий Осиё ўлкасида тасаввуф илмининг, турк-

ислом оламидаги маънавият ва ирфон анъаналарининг кейинги такомлида жуда катта роль ўйнаган.

Ат-Термизий – Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий (824-894) Ислом дунёсида ном қозонган буюк муҳаддис олим. Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-оқибат кўрсатиш, саҳийлик, очиқ очиқ кўнгиллик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат фақир-бечораларга мурувват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва касб-хунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборат. Бундан ташқари инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш яхшилик сари интилиш кераклиги каби панд-насихатлар ўз ифодасини топган.

Аҳмад Яссавий – (1041-1166-67)- (сайрамда туғилган) – Яссавийнинг ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий, илдизлари «Қуръон» ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига бориб боғланади. Унинг ҳикматларида насихат асосий ўрин тутди. Уларнинг барчасида суфийлик – тасаввуфидаги ҳақиқатни билиш, халқни севиш учун нафсу дунёдан чекинишдир. Инсондаги ҳар қандай иллат, қабоҳат унинг онгида қуриб битиши керак. Ана шунда, инсонда баъзи нуқсонлар қайта тикланмайди, дейди. Зеро – тасаввуф – нафс лаззатларидан воз кечишдир. Нафс - очкўзлик, ўғрилиқ, жаҳолат, худбинликни келтириб чиқаради. Яссавий нодонлик туфайли ҳаётда саводсизлик, диёнатсизлик, ота-она ва устозларга ҳурматсизлик, маънавий қашшоқлик, ёвузлик, нодонлик, разолат ҳукм сурган жойда маърифат бўлмаган ўлкада мамлакат инқирозга юз тутди, дейди. «Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Аҳмад» деган овоза юрган. 126 йил умр кўрган.

Бешак билинг бу дунё, барча элдин ўтаро

Инонмагин молинга, бир кун қўлдан кетаро

Ота-она қариндош қаён кетди фикр қил

Тўрт оёқли ёғоч от бир кун сенга етаро...

Нажмиддин Кубро (1145-1221)- Хоразмда туғилган. У «Кубравия тариқати»га асос солади, сўфийликка оид бир қанча асарлар ва тасаввуфий мазмундаги рубоийлар ёзади. У Шарқда «Шайхи валитарош» - авлиёлар тарбиялаб етиштирувчи мўътабар шайх ва мударис сифатида шуҳрат қозонди. Нажмиддин Кубро асарлари 8 та бўлиб, шундан Қуръон шарҳига бағишланган тафсиф – «Айн ал-адаб» ва шогирдлари учун ўғит-насихатлардан иборат «Фи ал-адаб» («Одоб қоидалари») рисоалари ҳамда 25 рубоийси бизгача етиб келган. Алломанинг рубоийларидаги асосий ғоя комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, нифоқ риё, фосиқлик каби ёмон

феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишлар қилишга руҳий покликка чорлашдан иборатдир...

Боҳовуддин Нақишбанд – Хожи Боҳовуддин Нақишбанд (818- 1318 мел)-891 (1389) – бухоро атрофида туғилган. Унинг таълимоти 2 қатламдан иборат. 1-қатлам – уни ташқи қатлам деса бўлади – таълимотнинг тариқатидаги бошқа таълимотлар бирлаштирган хусусиятлардир. 2-қатлам (ички) - ҳар бир тариқатнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат. Тариқат йўлига кирган ҳар бир киши фаолиятининг биринчиси – тавбадир. Тавба кўпинча буюк шахснинг ўзининг ҳаётидаги муқаддас вазифаси ва олий ўрни ҳақида Аллоҳдан, ғайри оддий бир воқеа воситаси билан дарак топиш жараёнидир. Тариқатнинг ўзига хос ахлоқий талаблари сираси бор. Тариқат одобнинг биринчи шarti – «ул адабдурки: яхши ва ёмонга, улуг ва кичика бажо келтирурлар... иккинчи шarti - ортиқ даражада саҳийликдир. Юмшоқлик, бардош, тоқат, ризо, сабр, сидқ ва «азм риёзат» булар тариқат аҳлининг ахлоқий қоидаларидир». Учинчи шarti – тавба ва луқма ҳалоллигидан сўнг – шариатга риоя қилишдир, унинг талабларини бажаришдир. Умуман нақшбандия тариқати узоқ фикрий ривож натижасида майдонга келади, ўрта асрда ижтимоий ва руҳий тараққиётнинг чўққиси сифатида шаклланади.

Хўжа Аҳрор валий – Хожа Аҳрор Сийрати (807 ҳиж. 91404) – (1490) Бўстонлик. У одоб ва камтарликни, устозга нисбатан иззат - ҳурматни ўрнига қўйган. Унинг асарларида Қуръон ва Ҳадис тафсирилари ва шеърӣ парчалари келтирилади. (Тошкент вилояти Бўстонлик туманида туғилган). Нақишбандийлик тарақатининг давомчиси. У йирик руҳонийлар ўртасида валий деб ном олган. Нақишбандийлик Хўжа Аҳрор даврида оммани таркадунёчиликка ундади, қаландарликни тарғиб этди...

Абдурахмон Жомӣ (1414-1492)- XV асрда яшаган. Хирот яқинидаги Жом шаҳрида туғилган. Жомӣ 3 та лирик девони, 7 достондан иборат «Ҳафта авранг» (Етти тахт), таълим-тарбияга оид «Баҳористон» асарлари билан жаҳон маданиятига тараққиётга муносиб хисса қўшган. Унинг таълимий-ахлоқий қарашлари Саъдийнинг «Ғулистон» асари услубида ёзилган. «Баҳористон» асари ва «Ҳафта авранг»га кирган «Тухфат ул-аҳрор» ҳамда «Силсилатус-заҳаб» («Олтин тизмалар») ва бошқа достонларида ифодаланган. Бу достонларда ҳақиқий камолотга эришган инсон ҳақидаги қарашларини баён этади. У илм ҳақида кўпроқ ёзиб қолдирган.

Алишер Навоӣ (1441-1711) – Навоӣ асарларида («Хамса» достонлари) комил инсонни тарбиялаш услуб ва усуллари, воситалари ҳам ифодаланган. Комил инсон, ақиллий, ахлоқий, илм-маърифатга интилан ижодкор, қобиятли, билимдон, оқил ва донно киши, софдил, инсонпарвар, саҳоватли, сабр-қаноатга эга бўлган, адолатли,

мурувватли, камтар, соғлом ва жисмонан бакувват, мард ва жасур инсонни куйлайди. У инсонни тарбиялаш керак дейди.

Бобараҳим Машраб (1657-1711) - ўзбек шоири ва мутафаккири. Андижонда туғилган. Унинг «Девонаи Машраб» китоби бизга етиб келган. У ўз шеърларида Маккани зиёрат этиш рўза тутиш, у дунёдаги жаннат ва дўзах ҳақидаги афсоналарга ишонишини баъзида инкор қилади. У баъзан ўз мистик ғояларини жазава билан баён этган. Руҳониялар фатвоси билан Машраб дорга осиб ўлдирилган. У ўша давр ижтимоий зиддиятларини тасаввуф пардаси остида акс эттиради.

Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маърифатимизга чуқур таъсир ўтказган тасаввуф (сўфизм) таълимоти VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик (таркидунёчилик - бу дунё ҳою-ҳавасидан воз кечиш) ҳаракати кўринишида бўлиб Бағдод, Басра, Куфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилган.

Асли тасаввуф сўзи «Сўфий» сўзидан, «Сўфий» сўзи эса арабча «Сўф» сўзидан ясалган. Сўф деб араблар жундан бўлган матони айтадилар. Дастлабки даврларда сўфийлик йўлини тутган кишилар, бошқа оддий кишилардан ажралиб туриш учун жундан тикилган чакмон (у хирқа деб ҳам айтилган) ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун уларни жун чакмон кийиб юрувчилар, яъни сўфийлар деб атаганлар. Сўфий бошқа одамлардан ўзини пок ва ғарибона турмуш кечириши, доимий тоат-ибодатда бўлиши ва фақат илоҳий руҳга қўшилишни мақсад қилиб қўйиши билан тубдан фарқ қилади. Сўфий учун на дунёдан, на охиратдан таъма бўлмаслиги керак. Ягона истак бу Оллоҳнинг дийдорига етишишдан иборат. Фақирлик туйғусига эга инсон на бировга банда-ю, на бировга хожа, у ёлғиз Оллоҳга банда, у ёлғиз Оллоҳга эҳтиёж сезади. Ҳамма нарсадан воз кечиш, охир оқибатда ўзликдан кечиш - сўфийлик таълимотининг маъниси мана шу. Буюк сўфий Боязид Бистомий айтадиларки: ўзингдан ўтдинг, Оллоҳга етдинг. Ҳазрат хожа Баҳоуддин айтадиларки: Бизнинг ҳеч нарсамиз йўқ, лекин ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўша «ҳеч»... нарса кетидан югуриб ғам ташвишда ҳам эмасмиз. Эғнимизда жанда, орқамизда гўристон, агар ўлсак ҳеч бир мотам керак эмас.

Тасаввуф - сўфийлик инсонни ўрганар экан, аввало, кишининг кўнглига, дилига таянади, кўнгилни, қалбни тарбиялашга, кўнгил кишисини вояга етказишга интилади, чунки Оллоҳ фақат кишининг покиза қалбидагина жилва қилади.

Тасаввуфда инсондаги жамики худбинликлар, иллатлар, разолат дунёсига ҳирс қўйиш жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади, деб ўргатилади. Комил инсон бўлиш учун аввало, жисм ва нафс эҳтиёжи ва таъмасини енгиш керак. Дунёга, бойликка меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Дарвеш, сўфий нафсни рад этади. Нафс барча

фалокатлар сабабчиси, инсонни тубанлаштирувчи нарса. Инсонни фалокат ботқоғидан, тубанлик жаридан қутқариб, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафснинг эҳтиёжини енгилдир. Бунинг учун дунё муҳаббатидан воз кечиш ва Оллоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш даркор. Сўфийликда буни дунё моҳиятини ва ўзлигини, инсонийликни англаш йўли деб қаралган. Ўзлигини англаган киши эса дунё ва унинг бойликлари ўткинчи эканлигини англайди. Хожа Баҳоуддин айтадилар: «ўз нафсининг ёмонлигини таниш ўзлигини танишдир».

Демак, тасаввуф илми - инсон ҳақидаги илмдир. У инсон қалбига сайқал бериш илми. Биз бу илмдан 70 йил давомида беҳабар эдик. Инчунун, биз неча замонлар инсондан беҳабар қолдик ва не замонлар қалбимиздан файз кетди. Ўтмишдаги Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар юртимиз ва халқимизнинг файзи камоли эдилар. Истиқлол туфайли шу нур, шу файз бизга қайтди.

Шуни ифтихор билан қайд этишимиз лозимки, тасаввуф таълимоти тараққиётида Туркистон фарзандларининг хизмати беқиёс бўлган. Хожа ҳаким ат-Термизий, Шайх Абу Мансур ал-Матуридий ас-Самарқандий, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Хожа Али Ромитаний, Абу Али ал-Фармадий, Юсуф Ҳамадоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар илоҳий маърифат йўлининг раҳнамолари бўлдилар. Улар яратган таълимот ва илгари сурган маънавий-ахлоқий ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, Аҳмад Яссавий ҳикматларида илгари сурилган ахлоқий панд-насиҳатлардан молпарастликни фош этиш, кишиларни инсофли, диёнатли, иймонли бўлишга чақиришда фойдаланиш ўринли. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш - нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шох - қул, нафсдан устунликка эришган ғариб - шохдир, деб айтади. Нафс инсон учун катта ёвдир. Шу ёвнинг бошини янчган, уни енгган, нафсга таслим бўлмаган кишининг ғурури ва инсоний кадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайди, деб билган. Ўз ҳикматларидан бирида шундай дейди:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса - турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур....

У нафс бандаларига қарата «Нафсни тебгил, нафсни тебгил эй бадқирдор» деб мурожаат этади, ва

«Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади,

Термултириб халойикка зор айлади», - деб нафс бандаларини танқид этади. Нафс инсондаги бутунликни, иймонни синдиради, маънавий жихатдан жарликка қулатади. Шу боис «Нафсни таниб меҳнат етса роҳат», - деб хитоб қилади. Бу ғоялар бизнинг ҳозирги кунимиз, тарбиямиз учун ғоят муҳим.

Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотида Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳам қайд этишимиз лозим. Нақшбандия таълимоти ҳайратланарли даражада ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий маъно ва моҳиятга, ҳаётий мазмунга эга.

Нақшбандия маънавий-ахлоқий таълимотида ҳур фикрликка кенг ўрин берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати эвазига ҳалол яшаш, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшиликни раво кўришни афзал билганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд - айбсиз одам йўк, шунинг учун агар айбсиз дўст ахтарсак дўстсиз қоламиз, - дер эдилар.

Одамларга яхшилик қилиш энг юксак инсоний бурч эканлигини таъкидлаб, шам каби бўлгин ва одамларга ёруғлик бер, ўзинг эса қоронғуда бўл, деган эканлар.

Хожа Баҳоуддиннинг «Кўнгил Оллоҳда бўлсину, қўлинг эса ишда» ҳикматларининг инсон маънавий дунёси такомилидаги аҳамияти беқиёсдир.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида сўзлаганда Нажмиддин Кубро асос солган кубровия ҳақида ҳам тўхтаб ўтишни маслаҳат берамиз. Биз Нажмиддин Кубро сиймосида фақат тариқат бошчисини эмас, балки ўз ватанини, халқини дилдан севган инсонни ҳам кўрамыз. 1221 йилда босқинчи мўғул галалари қадами Хоразмга етиб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлакатни, фуқарони ўз ҳолига ташлаб қочади. Шу қалтис дамларда Урганчни ҳимоя қилишга 76 ёшлик Нажмиддин Кубро бошчилик қилади ва жангда қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Унинг сиймоси халқ қаҳрамони сифатида асрлар оша яшаб келмоқда.

Нажмиддин Кубро асос солган Кубровия тариқатининг қоидалари ўнта бўлиб, уларда бу тариқат йўлини тутган сўфийнинг ички маънавий дунёси қандай бўлиши кўрсатилган. Инсоннинг сабр-тоқатли бўлиши, бойлик ва мол-мулкка муккасидан кетмаслик, ҳар қандай пасткашлик, риё, макр ва ҳийла-найрангга бормаслик, ҳайвоний хусусият - шаҳвоний ҳирсларга берилмаслик ғоялари илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф илми - инсон ҳақидаги илмдир. Инсон қалбига сайқал бериш илми. У инсон одобини - яъни маънавиятини янада кучайтирган бутун

ислом ахлоқининг энг муҳим қадриятларини бир нуқтага жамлади. Шу тарика тасаввуф комил инсон назарияси ва амалиётини ишлаб чиқди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент Ислон Университетини ташкил этиш тўғрисидаги фармони ва шу фармонга шарҳда таъкидланганидек: «Ислон оммалашуви ва ривож сифатида вужудга келган тасаввуф ҳам Ўрта Осиё шароитида Яссавия, Кубровия, Нақшбандия тариқатларини вужудга келтирдик, улар бутун ўрта Шарқ ва Жанубий Осиё мамлакатларининг асрлар давомида маънавий, маданий ривожланишида муҳим роль ўйнади»¹⁷.

Хулоса

Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислоннинг кириб келиши билан калом, яъни ислон фалсафасини ва диний талабларни бажаришда араб тили устуворлиги ўрнатилган. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа ва маданиятнинг турларига ҳам араб тили таъсири кучли бўлган. Аммо маҳаллий халқлар ислондан анча олдинроқ ўз она тилларида ёзувни, маърифату-маданиятни, илм-фанни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Бу жараён кейинчалик ислоннинг таъсирида янада ривожлантирилган. Масалан, кишиларнинг турмуш тарзи ислон талабига мослаша борган, урф-одат ва маросимлар диний тус олган, ёшларга билим бериш учун кўплаб масжид, мадрасалар, қироатхоналар ташкил этилган.

Ислон маънавияти ва эзгу ғояларининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, уларга асосланган ислон фалсафаси, тасаввуф, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислон маърифати доирасига киради.

¹⁷ Халқ сўзи газетаси, 1999 йил, 8 апрель.

Ислом дини таълимотлари асосида дунёга келган маънавий маданият, унинг эзгу ғоялари ҳозирги кунга қадар ардоқли бўлиб келмоқда. Ислом маданияти деб ном олган улкан маънавий қадриятларни фақат ислом динидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Шу нарса аёнки, ҳаёт қамрови жиҳатларига кўра маданиятлар яқинлашуви ижтимоий тафаккурнинг сиёсий ва маънавий соҳаларининг барча томонларини яна кенгайтирган. Маданиятлар яқинлашуви ҳозирги кунда урф-одат, анъана, турмуш тарзи яқинлигига олиб келмоқда. Аксарият кишиларда исломга эътиқод қилиш, ҳатто миллий бирлигида ҳам алоҳида мазмун касб этмоқдаки, буни биз кундалик турмушда кузатиб турибмиз.

Ҳозирги кунда ислом маданияти ва эзгу ғоялари маънавий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида ислом нури ила йўғрилган қадриятлар изчиллик билан сақланиб давом этиб келмоқда. Тўйлару, маъракаларда, турли таомилларда турмушнинг турли онларида қайтган анъаналар Қуръон суралари, оятлари, ҳадис намуналари орқали одамлар қалбидан ўрин олмоқда. Бундай эҳтиром ўтмиш авлодлари урф-одатларига садоқат рамзи сифатида қабул қилинмоқда.

XX асрнинг охирига келиб дунёда, айниқса, унинг жўғрофий-сиёсий харитасида катта ўзгаришлар бўлди, янги-янги мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамиятига келиб қўшилдилар. Шу билан бирга бу асрнинг охири ўзига хос тарзда диний қадриятларга қайтиш даври ҳам бўлди. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин халқимизнинг маънавий, маданий меросига, тарихига муносабат тубдан ижобий томонга ўзгарди.

Президентимиз Ислом Каримов ислом дини ҳозирги даврда ҳам муайян Ўзбекистон шароитида жамиятимизнинг ижтимоий, маданий-маънавий тараққиётида улкан хизмат қилиши ва хизмат ҳам қилаётганини таъкидлаган ҳолда ислом динидан ҳокимият учун кураш воситаси сифатида фойдаланаётган айрим кучларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли катта хавф сақланиб қолаётганини ҳам таъкидлайди: *„Биз томондан, ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳотдан қўшилган ҳиссасини, балки, унинг ҳозир шаклланиб бораётган, сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.*

Ислом динимиз ота-боболаримиз муқаддас дини эканлигини, уни ҳаётимизда тутган ўрни, буюклиги ва илоҳийлигини инобатга олиб, муқаддас бу динни — Қуръон оят ва ҳадисларни чуқур ўрганишга мустақилликдан сўнг катта аҳамият берилди. Ислом динини тарғибот қилиш, халқимиз, миллатимиз, ёш авлодимизни бу бебаҳо хазиналардан

бахраманд бўлишига шароит яратиш, шу аснода маданиятни ривожлантириш республикамиз оммаси олдига қўйган буюк вазифалардан бирига айланди.

Халқимиз бугунги кунда демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйган. Умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни душмандан ажратиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олий мақсадларимиз ҳақида бугун тарғиботлар олиб бориш шарт эмас. Чунки халқимиз оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратган муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ф о й д а л а н и л г а н а д а б и ё т л а р р ў й х а т и :

I.Ўзбекистон Республикаси Президента И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: “Маънавият”, 2008.
- 2.Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. Т.: "Ўзбекистон" нашри, 1994.
4. Каримов.И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Т., "Ўзбекистон", 2005.
5. Каримов.И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., "Ўзбекистон", 1996.
6. Каримов.И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. "Ўзбекистон", 2000.
7. Каримов.И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. 3-том. Т., Ўзбекистон", 1996.
8. Каримов.И.А. Миллий мафкура — давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи.-Т., "Ўзбекистон", 2000.
9. Каримов.И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда.-Т.“Ўзбекистон” 2000.

II. Асосий адабиётлар:

1. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. -Т., Ёзувчи, 1996.
2. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. -Т., Ўзбекистон. 1997.
3. Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. -Т., Маънавият. 2005.
4. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Т., Ёзувчи. 2001.
5. Абу наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993.
6. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.. -Т., Маънавият. 1992.
7. Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим тарбия ҳақида. -Т., Ўқитувчи.1992.
8. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. -Т., 14. Т., 1988.
9. Зиёмуҳаммадов Б. ва бошқалар. Маънавият асослари. -Т., “Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. Т.,2000.
10. Имомназаров М., Эшмуҳаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Т.,Тошкент ислом университети. 2001.
11. Отамурадов С. ва бошқалар. Маънавият асослари. -Т., 2000.
12. Юсупов Э. Жамият маънавий тараққиёти. Т., 2001.

III. Интернет сайтлари.

www.ziyouen.uz (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги),
www.google.uz, www.uza.uz, www.fikr.uz